



ТОШКЕНТ ОҚШОМ

ПАХАР
ИЖТИМОЙ-
СИЁСİY
ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 46 (9.390) 2000 йил 19 апрель, чоршанба ◆ Сотувда эркин нархда



ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 18 апрель куни Оқсарой қарорхонада расмий ташир билан мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Америка Қўшма Штатлари Давлат котиби Мадлен Олбрайтни қабул қилди.

Ислам Каримов меҳмонни юртимизга ташири билан қутлар экан, М. Олбрайт орқали АҚШ ҳукумати ва халқига эҳтиромини изҳор этди. Мазкур таширнинг икки мамлакат ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг янада ривожланишига туртки берадиган муҳим тадбир, деб билишнинг таъкидлади. — АҚШ Давлат котиби охириги марта 1992 йилда Ўзбекистонга келган эди, — деди Президент учрашувда. — Ушбу ташир АҚШ ҳукуматининг Ўзбекистон билан ало-

қаларни ривожлантиришга интилиши охириги бораётганидан дарак беради.

Мадлен Олбрайт Ўзбекистонга сафари қизиқарли ва айна пайтда самарали кечаётганидан мамнуният изҳор этди. Меҳмон бу учрашувга қадар Самарқанд ва Бухоро шаҳарларини зиёрат қилиб келган. Учрашувда ана шу сафар таассуротлари билан ўртоқлашди.

Мулоқот чоғида томонлар Ўзбекистон — АҚШ муносабатлари, икки мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа соҳалардаги алоқаларини янада ривожлантириш, халқаро ҳамда минтақавий ҳавфсизликка оид масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашди.

СУРАТДА: қабул пайти. Абдувоҳид Тўраев (ЎЗА) олган сурат.

АҚШ ДАВЛАТ КОТИБИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган АҚШ Давлат котиби Мадлен Олбрайт 16 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Абдулазиз Комилов билан учрашди. Сўхат чоғида икки мамлакат ўртасидаги ўзқ муносабатларнинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилиниб, минтақавий ва халқаро миқёсда ҳавфсизликни таъминлаш, барқарорликни сақлаш муаммолари борасида фикр алмашилди.

АҚШ Давлат котиби Тошкентдаги Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети талабалари ва ўқитувчилари ҳузурда маъруза қилди.

Мадлен Олбрайт ўз маърузасида Ўзбекистон — АҚШ муносабатлари, АҚШнинг Марказий Осиё мамлакатларига нисбатан юртайтган сиёсати ҳамда дунёвий ва минтақавий ҳавфсизлик муаммолари ҳақида ўз фикрларини баён этди. У Ўзбекистон халқи қадимдан маърифатлилик билан ажраллиб туришини таъкидлади. Масалан, Бухорода дунёдаги энг йирик ва бой кутубхона бўлгани тарихдан

яхши маълум. Бу шаҳардан дунёга машҳур математиклар, фалакийтшунослар, шоирлар, шифокорлар ва бошқа соҳа билимдонлари етишиб чиққан. Буёқ Абу Али ибн Синонинг «Тиб қонуналари» неча ўн йиллардан буён бутун дунёда тиббиёт олимлари учун муҳим кўланма вазифасини ўтаб келмоқда. М. Олбрайт Ўзбекистонга мазкур сафари чоғида дунёнинг маданий ва маърифий марказлари бўлиши Самарқанд ва Бухорога нисбатан қилиниши баъриқлик билан қутганини ҳам алоҳида таъкидлади.

Бевосита таширға оид мавзу — ўз давлатининг минтақавий мамлакатлари билан нисбатан юртайтган сиёсатиға ўхталган М. Олбрайт, АҚШнинг Марказий Осиёда ҳавфсизлик ва барқарорлик ҳукм суришидан мамнафаддор эканини айтди. Халқаро иқтисодий интеграция қулайиб бораётган ҳозирги шароитда бир мамлакат бозорининг ривожланиши кўплаб бошқа алоқалардаги бозорлар ривожига боғлиқ. Шундай экан, савдо-сотиқ, сармоа, энергетика ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни кенгайтириш учун, ҳавфсизлик масалалари, жумладан, халқаро террорчилик, курол-проғ ва наркотик моддаларнинг гайриқонуний савдоси, айирмачилик каби иллатларға қарши ҳамкорликда курашиш мақсадға мувофиқдир.

М. Олбрайт Марказий Осиёда ҳавфсизлик масалаларига алоҳида ўхталди, АҚШ ҳукумати минтақадки экстремистик қайғайидаги гуруҳлар ҳамда наркотик моддалар ташиладиган йўللар пайдо бўлишидан таъшишда эканини айтди. У минтақамизда бекарорлик келиб чиқишиға асосий сабаб Афғонистондаги куруллой жоҳорлар эканлигини ҳам таъкидлади. Шунингдек, М. Олбрайт АҚШ ҳукумати ўтган йилги Тошкентда ўз берган портлашлардан, қўшни Қирғизистон жанубига террорчилик бостириб қирганидан қаттиқ таъшишға тушганини, мазкур муаммоларни ҳал этишда Ўзбекистондан ёрдамини ямаслиганини қайд этди.

АҚШ Давлат котиби минтақадки тинчлик ва ҳавфсизликни таъминлаш борасида Ўзбекистон раҳбарияти юртайтган сиёсатға юқори баҳо берди.

М. Олбрайт маърузасининг яна бир қисми бозор иқтисодиёти таъминидла-риға таъниб иш юртайдиган қўли демократик институтлар барпо этиш мавзусида бўлди. Ҳақиқий демократик жамият ҳар қандай муаммони ҳал қила олади. Сиз айнан ана шундай жамият қуриш йўлини таллагансиз. Бу ўзқ ва машаққатли йўл, бироқ қўзланган мақсад — ҳайри. Бу йўлда АҚШ Ўзбекистонни ҳар томонлама қўллаб қувватлайди, деди у.

ОЛБРАЙТНИНГ САМАРҚАНД ВА БУХОРО ЗИЁРАТИ

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган АҚШ Давлат котиби Мадлен Олбрайт Самарқанд ва Бухоро шаҳарларини зиёрат қилди.

Дастлаб америкалик меҳмон Самарқанддаги «Сабр» ишон маркази фаолияти билан танишди. Мазкур марказ оилани мустақамлаш ва аёлларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш билан боғлиқ муаммолар билан шуғулланади.

Мадлен Олбрайт шаҳардаги қадимий меъморий ёдгорликларни томоҳа қилишни Регистон майдонига бошлади. У Шох Зинда мажмуи, Гури Амр макбараси ва Бибиноним мадрасасини марок билан кўздан кечирди.

АҚШ давлат котиби «Сиб» бозорида бўлиб, бозорларимизнинг саҳий ўзққ заминидида етиштирилган ноз-неъматларға бойлиғига шохид бўлди. Айниқса, Олбрайт хонимға ўзининг исми ёзилган машҳур Самарқанд

анд нони тақдим этилганда, у ҳайратини янаша олмади.

Самарқанд сафари чоғида АҚШ ташир сиёсат маҳкамаси раҳбари «Мерос» ва «Усто» халқ амалий санъати марказлари фаолияти билан ҳам танишди. Бу ерда маҳаллий усталар томонидан тайёрланган миллий кийимлар, ҳунармандлик буюмлари меҳмонда катта таассурот қолдирди.

Мадлен Олбрайт хоним Бухоро шаҳрида бўлганда яҳудийлар синагоғида ибодат қилди. Ибодат сўнгидида АҚШ Давлат котиби чет эллик ва маҳаллий журналистлар учун интервью бериб, жумладан, шундай деди:

— Мен ҳозирги синагоғада жаҳон халқларига тинчлик тилаб ибодат қилдим, шамчироқ ёқдим. Ўзбекистонда, яна тақор айтман, Ўзбекистонда барча динларға бир хил эътибор берилаётгани, виждон эркинлиги тўла таъминлангани мени жуда қувонтирди. Бу жиҳатдан Ўзбекистонни бутун дунёға ибрат қилиб қўрсатса арзийди...

Шундан сўнг Олбрайт хоним Бухоро ҳунармандлари марказини томоҳа қилди. Нодир Девонбегим мадрасасида ташиқ қилинган Бухоро ҳунармандлари, зардузлар, қандорлар, зарғарлари маҳсулотлари қўрғамаси билан танишди.

Пойи Калон мажмуи, айниқса, Масжиди Калон тарихий обидаси америкалик меҳмонларни ҳайратға солди. М. Олбрайт Марказий Осиёдаги бу энг катта масжид Бухоро шаҳрининг юбилей арасида шаҳсан Юртбошимиз Ислам Каримов ташаббуси ва амалий ёрдами билан таъмирлангани, аслиға қайтарилганини эшитиб ҳурсанд бўлди.

— Бухоро, ҳақиқатан ҳам, Шарқ гавҳари экан, — деди сафар сўнгидида М. Олбрайт, — мен бу қадимий маданият ва дин ўқоғини зиёрат қилар эканман, кўнглим ғоятда қўтарилди.

Анвар КАРИМОВ, Илхом САФАР, ЎЗА муҳбирлари.

Пойтахтимизнинг Со- бир Рихимов туманида фаолият қўрсатаётган «Настар» ҳусусий фир- маси тадбиркорлари то- монидан ишлаб чиқарила- ётган ранг берилган ойна материаллари нафақат пойтахтимизда, балки мамлакатимиздаги қури- лишларда муваффақият билан қўлланилмоқда.

Жамоанинг 18 аъзоси янги изланишлар йўлида меҳнат қилишга тани боис

ҚУРИЛИШДА АСҚОТАДИ

ҳам Украинадан келтирилган замонавий ва юксак унумли ранг берувчи линия орқали кетма-кет сифатли маҳсулот- ларга тайёрланиб, буюртмачи- ларға етказиб беришмоқда. — Президентимиз томони- дан тадбиркорларға алоҳида эътибор берилаётгани, кенг имкониятлар очилаётгани бизни фақат баракали меҳ-

натга ундамоқда, — дейди фирма раҳбари Сайдахмад Бурхонов. — Мана яқинда 150 минг АҚШ долларига миқ- доридида кредит олишға му- ваффақ бўлди. Буни, албат- та ишлаб чиқаришни янада ривожлантиришға, янги ли- ния олиб келиб ўрнатиб маҳ- сулот тури ва сифатини, ҳаж- мини орттиришға сарфлай-

миз. Шунингдек, қўшимча ишчи ўринлари яратамиз.

Фирма маҳсулотларига, айниқса, вилотлардан буюрт- малар сони ортиб бормоқда. Авалиға фақат қорайти- рилган ойналар ишлаб чиқа- рилаётган бўлса, бугунға кели- лаб ҳаридор истаги асосида турли рангдиги ойналар тай- ёрлашға муваффақ бўлин- моқда. Энг муҳими, фирма маҳсулотлари бугунги замона- вий биноларимизға қўққ бериб, бунёдкорлик ишлари- да асқотмоқда.

Дилноза ФИЁСОВА.

«ХАЛҚ ИШОНЧИ — ОЛИЙ МАСЪУЛИЯТ»

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг «Ўзбекистон» нашриёти «Халқ ишончи — олий масъулият» деб номланган янги китобни бос- мадан чиқарди. Ушбу сал- моқли мажмуада 2000 йил бошида мамлакатимизда рўй берган муҳим воқеа — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови билан боғлиқ жуда қимматли ҳуж- жатлар жамланган бўлиб, улар ана шу муҳим сиёсий тадбирнинг тарихий аҳами- ятини янада тўлароқ ан- глаб етишга хизмат қилади.

Китобнинг салмоқли қисмининг Юртбошимиз Ислам Каримовнинг Президенти- дентликка номзод сифати- да сайловчилар билан уч- рашувларида сўзланган нў- талари ҳамда иккинчи қа- қириқ Ўзбекистон Респу- бликаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги маъ-рузаси таъкид этди. Улар- ни мутлоқ қилар экансиз, Президентимизнинг «Мен ўзимнинг энг эзу мақса- дим, ҳаётимнинг маъно- мазмунини бошлаган иж- обий ишларимизни давом эттириш, ҳар бирининг эр- тани қундан қутайтган орзу-умидларининг рўё- ба чиқариш йўлида хизмат қилиш деб билиман. Мен учун бундан бошқа олий мақсад, бошқа улўғ саодат йўқ» деб айтган пурма- ло сўзлари, шубҳасиз, ҳар би- ринининг қалбимизда чи- қур фахр-ифтихор туйғуси- ни уйғотди.

Маълумки, Президент сайлови мамлакатимиз- нинг демократия сари ҳаракатида янги муҳим



қадам бўлди. У фуқаро- ларнинг сиёсий фаоллиги ош- ганлигини, уларнинг ўз сайлов ҳуқуқларидан фой- даланиш орқали давлат ҳокимиятини шаклланти- ришда бевосита иштирок этишга интилаётганли- қини қўрсатди. Бу билан Ўзбекистон ўзининг нафа- қат эркин демократик ри- вожланиш таъминини та- рафдори эканлигини, бал- ки уларни изчиллик билан ҳаётга талдиқ этаётганли- қини ҳам бутун дунёға на- мойиш этди. Бу китобдан ўрин олган барча ҳуж- жатларда: чет эллик қуза- тувчиларнинг фикрларида, хо- рижий мамлакатларнинг раҳбарлари, таниқли сиё- сат ва жамоат арбоблари ҳамда Ватанимизнинг тур- ли бурчқларидан Юртбо- шимиз номига келган са- мимий қўловларда жаҳон матбуоти саҳифасида Ўзе- бкистон ва унинг йўлбош- чиси тўғрисида эълон қилинган мақолаларда ўз эркин ифодасини топган.

(ЎЗА).

ДАВР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

◆ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Фармониға кўра Туроп Холтеев Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиғи вазирлиги таъин- ланди.

◆ Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кен- гашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

◆ Вазирлар Маҳкамасида Ҳисоб-китоблар механизмини тақомиллаштириш ва бюджетға тўловлар интизомини мус- таҳкамлаш бўйича ҳўкумат комиссиясининг навбатдаги маж- лиси бўлиб ўтди.

◆ Олий Мажлис Халқаро ишлар ва парламентларо алоқалар қўмитаси ҳамда Оила ва аёллар муаммолари ко- миссиясининг қўшма мажлисида Хотин-қизлар ҳўқуқлари- ни ҳимоя қилиш бўйича халқаро Конвенциялар ва Ўзбеки- стон Республикаси Қонуналарининг Тошкент вилотидида ижроси ҳақидаги масала муҳокама қилинди.

◆ Ўртада Тошкентда «Авиацияда юқ ташиш соҳасини ривожлантириш истиқболлари» мавзусида халқаро конфе- ренция бўлиб ўтди.

◆ Бугун Тошкентда Европа киноси кунлари бошлана- ди. Британия Кенгаши ваколатхонасида ўтказилган матбу- от анжуманида маълум қилинишича у 28 майғача давом этади.

◆ Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси- нинг «Боинг-667» замонавий ҳаво лайнери «Лондон—Ўр- ганч—Тошкент» янги трансконтинентал йўналиши бўйича учиб, Ҳоразм аэропортиға келиб қўнди. Бу билан Ўрганч аэропортининг халқаро мақомага эға эканлиғи аамда ис- ботланди.

◆ Россиянинг «Тарабб-Текс» фирмаси Тошкентда кир ювиш ва тозалаш вазосатлари тайёрловчи мини-заводини очди ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқа- ра бошлади.

◆ Бухорода миллий мафкура ва иқтисодий ислохот ма- салаларига бағишланган йиллиғи бўлиб ўтди.

◆ Урганчдаги «Шароб» акциядорлик жамияти, шунинг- дек Хонка ва Янгирек пахта тозалаш заводлари ишлаб чиқарган маҳсулотлар юқори сифати учун халқаро муко- фотға лойиқ топилди.

◆ Тошкент китоб-журнал фабрикасида мактаб дарслик- ларини босмадан чиқарадиган юксак унумға эға бўлган янги линия ишга туширилди.

◆ Шахрисабзда ўзбек кураши бўйича Ўзбекистон Рес- публикаси Президенти сўврини учун Амир Темур хотира- сига бағишланган III аънавий халқаро турнир ниҳоясига етди.

ЖАҲОНДА

◆ Бугун Россия пойтахтида Осиё ва Тинч океани мин- тақаси мамлакатлари ахборот агентликлари ташкилоти Бош Ассамблеясининг 11-мажлиси бўлиб ўтди. Анжуман 24 апрелғача давом этади.

◆ Ўртада Франция ва Португалиянинг Россиядаги эл- чилари ҳамда Европа Иттифокнинг Москвадаги доимий вакили вазият билан танишиш мақсадида Чеченистонға са- фар қиладилар.

◆ Украинада ўтказилган референдумнинг дастлабки на- тижаларига кўра, мамлакат фуқароларининг кўпчилиғи Пре- зидент Кучма ҳўкумат ваколатларини кенгайтириш ва Олий Рада таъсирини чеклаш тақлифини қўллаб-қувватлашди. Марказий сайлов комиссияси раҳбарининг сўзига кўра, са- наб чиқилган овозларнинг 90 фоизи айрим шариотларда Президентга парламентни тарқатиш, депутатлар сонини қисқартириш ва депутат дахлсизлигини бекор қилиш ҳўқуқларини бериш бўйича режаларни қўллаб-қувватлади.

◆ Россия Федерацияси ташқи ишлар вазирли И. Иванов Чеченистондаги террорчиликка қарши олиб борган ҳар- бий юриш ниҳоясига етганлиғи, эндиғи вазифа сиёсий қисм, ҳусусан, маҳаллий ҳокимият органларини ташкил этишдан иборат эканлиғини билдирди.

◆ «Итера» компанияси Грузия ва Арманистонға берила- ётган табиий газнинг қарзи қўйиб қетганлиғи боисидан икки бораб қамалтирди. Айни пайтда ушбу компаниядан Грузиянинг 70 миллион, Арманистоннинг эса 30 миллион АҚШ долларига тенг миқдорда қарзи бор.

◆ Эфиопия суди эртериялик беш нафар фуқарони жо- сусликда айбон, турли муддатда озодликдан маҳрум қилиш ҳақида қарор чиқарди. Улардан бири ўн беш йилга, қол- ганлари эса беш йилдан ўн йилгача бўлган муддатда қамал- ди.

◆ Лондонда, Халқаро теннис федерациясининг қарор- гоҳида теннис бўйича терма жамоалар жаҳон чемпионати саналган 2001 йил Давис кубоғи дунё гуруҳиға чиқиш учун саралаш босқичиға қўрға ташланди. Қўрға натижа- сиға кўра Ўзбекистон терма жамоаси Нидерландия терма жамоаси билан қўққ синашади. Қабул қилинган қарорға кўра мусобақалар Ўзбекистонда ўтказилади.

Миллий мафкура — келажакимиз пойдевори

ҲАР ЮРАКНИНГ ҚҶРИ

Ватанимиз бахтсиз, ўзимиз очор бўлиб қолмасан- гимиз учун ҳам бизга миллий гоа керак. Аср бониди миллий гоага саноқли, асли одамларини интиланган эди- лар. Унинг халқ, мамлакат, давлатчиликдаги ўрнини чуқур англаган, билган, англаган, билганларини бутун халққа етказишга уринган инсонлар эди улар. У пайт- лардаги халқнинг саводхонлиги ва билик даражаси би- лан ҳозирдаги саводхонлиги, маърифати ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Миллий гоанинг маъжуслиғи ва ҳаракатга қобилияти аввало саводхонлик билан бел- гиланаркан, ҳозир саводхон бўлмаган қисми йўқ. Ҳозир ҳар бир юракда миллий гоа авж олиб ўса оладиган за- мин етилган.

Улўғ ҳадиқ боболар бу- тун қўн-ғайратларини замин ҳозирлашға қаратган бўлса- лар, бизнинг ишимиз осон- рок — биз таъбир заминға эгамиз. Бу заминға қандай ишлов бериш, ўзи турли экологик ва ўнга офатлар, баюлардан асраш ўз қўли- мизда, иродамизда. Бўша- нлиқнинг қўли бўлиб юра- диган замоналар аллақачон- лар ўтиб кетди. Бозор иқти- соди, инсон эркинликлари, демократия ҳар бир одам- дан қўли бўлишни талаб қилади. Ҳар бир одамдан аввало ўзининг қиёфасини белгиллаш ва шаклланти- риш, кейинги пайтларда кўп айтаётган ва ёзаётган- нимиздек, қомил инсон қаби ҳаракат қилишимизни вазифа қилиб қўйди улар.

Қомил инсон бўлиш ав- вало миллий гоани юракка жойлаб яшаш демократия. Миллий гоа кўзға қали- ниб, ҳар биримизнинг эши- гимизни қаттиқ-қаттиқ та- қиллаётган пайтда бу қандай буларкин, ҳамма- ни бажона гоа билан яшашға мажбур қилинса, бунинг биз баъур қўтулган тотали- таризмдан фарқи қолади- ми, деганға ўхшаш фикрда бўлаётганлар бор; қола- верса, бу ҳол Конституци- ямизға зид бўлмайди. Ахир бозор қонунимида: «Ўзбекистон Республикаси-

нинг обу ҳавоси, унинг қан- чалар бойлиғи, тозаллиғи, яхши яшашға ҳозирлиғи...

Миллий гоа ҳар қандай меҳнатнинг икиси, яна ҳам тўғрироғи, икиси аъзами. Уси меҳнат халқ тили билан айтганда, «қора меҳнат», яъни ҳосилсиз меҳнатдир. Бундай меҳнат одамни бой қилмаган- нидек, халқ ва мамлакатни ҳам бой қилмайди. Биз мил- лий гоамизнинг бошиға меҳ- натнинг сифати, даражаси, самарадорлиғи, ўзимиз ва мамлакатимизни қанчалар бой ва қудратли қилиши билан ўлчанганини ёзиб қўймиз. Чўнки фақат меҳнатидида ибодат ва ибодатдан кейинги роҳат, инсон ўзини ҳақиқий маънода инсон деб ҳис қилиб яшашининг онасидир.

Миллий гоа ва ҳаёт, оила- ни бир-бириға боғлиқлик то- монларини муқосса қилган ва чамалаганда, қўғ ўзимизда азим тирик дарё пайдо бўла- ди. Ана энди мана шу азим дарё, тирик дарё бугун ҳар бир оила, ҳар бир мактаб, ҳар бир хонадон, маҳалла, жамо- атчилик идоралари ичидан ўтса, ҳар бир юракни ўз оқими шиддати билан ўраб олса, унда олижаноб шоир- лар фақат ширғина бўлиб қолмасдан, балки нақ ҳаёт — жонли, ранг-баранг, жоизба- ли ҳаётнинг ўзига айланади. Биз шу қўнғача бу тирик да- рёнинг рўпарасида яшадик ва унга бепарво, лоқайд бўлдиқ. Дарё бизнинг ёни- миздан ўз герандликларидида ўтиб кетаверди. Энди бундай беғамликка инсон ҳам, асос ҳам қолмади. Тарих, замон бизни ўз глобал қудрати, за- бтиға олди, бизни тезлашти- ширипти. Энди сусткаш- лик, ланжлик, лапашанглик- ка асло ўрин йўқ.

Ҳа, энди миллий гоанинг тирик дарёсини юраклари- миздан, онларимиздан, то- леимиздан ўтказайлик. Дарё ичимиздан оқиб ўсини! Шунда миллий гоа ҳара-

катларимиз, меҳнатлари- миз, интилишларимиз қан- чалар маъноли, қанчалар мазмундор, қанчалар самар- али бўлаётганлиғи, дав- латчилиғимиз, ҳаётли, умум- инсоний манфафатларимиз- ға қанчалик мос, муносиб, уйғун, тўғри эзоға чиқаёт- ганлиғини қўрсатиб, белги- лаб туради.

Одамнинг юрағида гавҳ- ар бўлади, дейдилар. Мил- лий гоа ана шу гавҳарни сайқаллайди, уни порлан- тиради, зиёсини абдан ян- умас қилади. Ранг-баранг интилиш, ўй, фикрларимиз ана шу гавҳарнинг шуъла- ларидан фазлланади. Ибо- датдан сўнг меҳнатға бую- ради Худо. Меҳнат, ибодат, Худого интилиш бир-бири- дан ажралмас ва ҳаммиса бир-бирини тўлдирди. Ко- миллиқнинг қўрсатилиши шуд- ди. Миллий гоанинг иймон билан қамбарчаслиғи ҳам шудди. Миллий гоа — бир ўлўч. У бизнинг ранг-бар- ранглиғимизни синайди, фикрларимизнинг хилма- хиллиғига тошу тарози бўлади.

Миллий гоа ранг-баран- глик ва демократияни қў- чайтирса қўчайтирадики, асло сўсайтирмайди. У худ- ди денгиз тўққинлари қаби юракдан барча ортиқча, бе- фойда нарсаларни чиқариб ташлайди. Ва фақат қомил- лик ҳамда ҳаёт равнақига доир нарсаларни қолдира- ди. У бизға ҳаммиса ўйида сув тўймаслиқни ўргатади ва шундан оғохлантириб туради. Машҳур бир шоир- нинг мисраларида айтилган- дай:

Асло тиним билмасин юрак! Ўртада суя туманаси учун Юрак меҳнат қилмоғи керак

Кеча-қўнўд, кечаси қўнўд, (Х. Даврон таржимаси)

Миллий гоа мана шу юрак меҳнатини ҳаммиса йўналти- ради. Уни уйлаллик, уйлаллик ва яна бир қарра уйлаллик ва юрагимизнинг мулкига айлантирайлик!

Иброҳим ҒАФУРОВ.

Мустақил юртимизда аёл ҳаммаи эъзодда. Ушайтган ҳар бир йилнинг хотин-қизларининг ҳаётида учмас из қолдираётгани, шубҳасиз. Айниқса, Оила, Аёллар ҳақида ўтаётган Соғлом авлод йилларида хотин-қизларининг жамият ҳаётидаги мақолаи янада ортиб, уларга бўлаган эътибор, меҳр-муҳаббат ортиб бормоқда. Президентимизнинг 2000 йили Соғлом авлод йили деб эълон қилганлари барча аёлларимиз, оналаримиз қалбларини тўқинлатириши рост. Чунки соғлом, баркамол авлоднинг дунёга келтиришда, тарбиялашда аёлларимизнинг роли бекиёсидир. Мирзо Улуғбек тумани ҳокимининг ўринбосари, туман хотин-қизлар кўмитаси раиси Саида СОДИКОВА билан суҳбатимиз ҳаётимиз гуллари, хонадонларимиз файзи, жамиятимиз қудрати бўлаган аёллар ҳақида, улар ўртасида олиб борилаётган ишлар ҳусусида бўлди.

Мусохаба

ҚАДРИ ДОИМО ЮКСАК

— Меҳр-муҳаббат тимсоли саналмиш аёлсиз дунёнинг кемтик бўлиши ҳеч кимга сир эмас. Шу боис ҳам ана шундай қадри инсонлар билан доимо бирга бўлиш, қувончларидан илҳомланиб, дардларига малҳам излаш, муаммоларини ечишда қўмаклашиш мени руҳлантиради. Туманимизда мавжуд аҳолининг 50 фоиздан ортигини аёллар ташкил этади. 49 та маҳалла, корхона ва ташкилотларда жами 101 та хотин-қизлар кенгашлари фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг ҳар бири бизнинг қанотларимиздир. Уларнинг қўмағида жойлардаги воқеалардан боҳабар бўламиз, ҳар бир маҳаллага, ҳар бир оиллага кириб бора оламиз.

Кўмитамиз асосан 9 йўналиш бўйича иш олиб боради. Булар Инсон манфаатларини муҳофаза қилиш, маданий-маърифий ишлар, таълим-тарбия ишларини мувофиқлаштириш, маҳаллаларда оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш, оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш, хотин-қизларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш, аёл, экология, саломатлик, оналар ва болалар ўртасида касалликларнинг олдини олиш ва соғломлаштириш, тадбиркор ва ишбилармон аёлларни қўллаб-қувватлаш, дунё хотин-қизлари билан ҳамкорлик қилишдир. «Соғлом авлод» дастурини бажаришда Президентимиз томонидан кўрсатилган асосий олти та устивор йўналиш ҳамда Тошкент шаҳар ҳокими тасдиқлаган «Соғлом авлод» ҳудудий дастури бўйича кўзда тутилган барча ишларни олиб боришда ўз ҳиссамизни қўшмоқдамиз.

— Ёшлар билан ишлаш, шунингдек, оила деб аталмиш муқаддас кўрғонга илк қадам қўётган йигит-қизлар ҳақида қайғуриш ҳам кўмита вазифаларидан саналса керак?

— Албатта, фарзандларимизни мустақиллик юзлари руҳида тарбиялашда, уларнинг онгига миллий мафкура ҳояларини сингдиришда, шарқона урф-одатларимиз, ғуна-ғуна қадриятларимиз руҳида тарбиялашда аёлларимизнинг ўрни бўлақча. Айниқса, ўсмир қизларимизга асосий эътиборни қаратаёلمиз. Туманда фаолият кўрсатаётган «Еш оила мактаби» машғулотлари ҳар ойда туман ФХД бўлимига актиза берган келин-қувларни оилаларни мустақамлаш, соғлом авлод вужудга келиши учун нималар қилиш кераклиги, оила бузилиб кетмаслигининг олдини олиш, саломатликларини муҳофаза қилиш, қудачликда қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳнинг зарари ва салбий оқибатлари, «Оила кодекси»да ёш келин-қувларни тиббий кўриқдан ўтказиш лозимлиги ва бунинг туғилажак бола саломатлигига, оила мустақамлигига таъсири ҳақида машғулотлар ўтказилмоқда. «Ёшлар клуби» машғулотларида эса мактабларнинг юқори синф ўқувчилари, лицей, коллеж ва олий ўқув юртилари талабалари билан мутахассисларнинг ёшларни турмушга тайёрлаш, баалоғат белгилари, оила ва никоҳ, қизлар номуи, ҳақиқий ғўзаллик нима ва унинг моҳиятини англаш, қизлар косметологияси, ёшлар маданияти ва маънавияти, гўёвандлик ва бошқа турли хавфли касалликларнинг зарари, унинг олдини олиш, спорт ва жисмоний тарбиянинг аҳамияти тўғрисида давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

«Ёшларга тарбия бермоқчи бўлсанг, энг аввало, уларнинг ота-онасига тарбия бер» деган ҳикматта амал қиламиз. Фарзанд аввало оиланда камол топади. Айниқса, оила онанинг ўрни низоҳатда салмоқлидир. Шу боис ҳам аёл маънавияти бўлсагина, оилада ўсаётган фарзанд дунёқараши кенг, фикри теран бўлиб камолга етади. Ана шунинг учун ҳам аввало аёл, оила ва шу оилалар жойлашган ҳар бир маҳалла эътиборимизда, у ерда яшаётган аёллар эса ардоғимизда бўлишига эришиш ниятидамыз. Айниқса, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, уларни турли машғулотларга жалб этишга катта аҳамият қаратганмыз.

— Ёз фасли — тўй фасли десак муболага бўлмайди...

— Нима демокчи эканлигини тасвирлаш тўшундим. Ҳар бир оила фарзандим унсин-ўнсин, тўй қилай, элга дастурхон ёзай деб ният қилади. Биз ана шу эзгу ниятнинг амалга ошиши йўлида уларга доимо яхши ният билдирган ҳолда маҳалла оқсоқоллари ва хотин-қизлар кенгаши раислари билан ҳамкорликда тўйларимизнинг илҳом, камчилим, исрофгарчиликсиз ўтишига эришишга интилоқдамиз. Бу борада Президентимизнинг 1998 йил октябрь ойида чиқарган Фармонлари дастуриламал бўлмоқда.

— Режаларингиз...

— Режаларимиз бисёр. Лекин энг асосий соғлом, баркамол авлодни воёга етказувчи асосий киз саналган аёлларимизнинг жамият ҳаётидаги, оиландаги ўрнини топишида қўмаклашиш, уларни ўз қадрини билишга ўргатишдир.

«Менинг тўрт нафар қизим бор. Улар бирин-кетин воёга етишмоқда. Баъзида шундай ҳолатлар бўладики, уларга керакли гапларни айтолмай қўйилай қоламан. Чунки мен энди гап бошласам, қизларим уялиб чиқиб кетишади. Шу боис газетангизнинг хотин-қизлар учун бағишланган саҳифасида баалоғатга етаётган қизларимизга айрим биз айтолмайдиган гапларни айтиб қўйсангиз.

Шарофат УСМОНОВА,
Шайхонтоҳур тумани».

Республика «Оила» илмий-амалий маркази илмий ходими Умида Вафоқова баалоғат ёшига етаётган қизларимизга, бўлагуси оналаримизга ҳамда киз тарбиялаётган аёлларимизга қўйиладиган масъалаларни тасвир этадилар:

— Киз бола баалоғатга етаётган даврда ички органлари тез ўсади. Бу даврда киз бола етила бошлайди, барча жисмоний ва руҳий хислатлар ривожлана боради. Қизларнинг жинсий баалоғатга етиши энг масъули-

ятли давр ҳисобланади. Қизлар гигиенаси танани, айниқса, ташқи жинсий органлари тоза тутиш, уй-жой, кийим, пойабзални тоза сақлаш, тўғри овқатланиш, юкумли касалликлар-

қўриш учун узок муддат даволанишга мажбур бўлади.

Гинекологик касалликлар баъзи бир омилар натижасида ҳомила она қорнида эканли-

Мутахассис фикрича...

СИЗ БЎЛАҒУСИ ОНАСИЗ

дан эҳтиёт бўлиш, организмни чиққитиришдан иборат.

Ҳар бир она киз болага ҳайзнинг моҳияти, табиийлиги аҳамиятини, озодаликка риоя қилиш зарурлигини тўшунтириши лозим. Бундай вақтда, айниқса, тозаланиш риоя қилиш, совқотишдан эҳтиёт бўлиш керак, акс ҳолда касаллик туғдирувчи микроблар жинсий органларга ўтиши мумкин.

Айрим аёллар ёшларидан ўз саломатликлари эътибор бермайдилар, кейин эса бола

гидаёқ, чақалоқлик даврида, баалоғат ёшига етаётган пайтда ва баалоғат ёшида ҳам пайдо бўлиши мумкин. Аммо киз болалар шифокор кўринишга уялиб касалликларни борган сари қўлайиб кетишга сабабчи бўлишади. Натижада бу касалликлар оғир асоратларга олиб келади, жумладан киз болалар она бўлиш бахтидан бебаҳра қолишлари ҳам мумкин.

Бу масъалада авваламбор оналар киз бола-

лар ўзларида иккиламчи жинсий аъзолари нотўғри ривожланганини, ҳаддан ташқари озгичлик ёки семизлик, баалоғат ёшига етаётган пайтда юзларидега хуснузварлар тошганини, ҳайз даври мунтазамлигининг бузилишини, 16 ёшгача ҳайз кўрмасалар биринчи ҳайздан бошлаб ва ундан сўнг кўп қон йўқотсалар, мунтазам равишда ҳайз кўрмасалар, туқларнинг эркаларга хос бўлиб ўсишини сезсалар дарров қизлар гинекологларига муурожаат қилишлари керак. Юқорида бундай касалликларни келтириб чиқарадиган омиллардан бири ҳомила она қорнида эканлигидаёқ бўлиши мумкинлигини айтиб ўтдим. Яъни ҳомиладор аёлни ўткир касалликларга чалиниши, чекиши ва спиртли ичимликларни истеъмол қилиши, экстрагенитал касалликлар билан оғриши шунингдек, яқин қариндош билан оила қуриш, тартибсиз жинсий ҳаёт кечириш шулар жумласидандир.

Баалоғат ёшига етаётган қизларда баъзан сурункали тонзилит касаллиги учраб туради. Улар оғриган тишларини вақтида даволатсалар ҳамда шахсий гигиена қоидаларига риоя қилсалар гинекологик ва экстрагенитал ка-

салликларни олдини олган бўлади.

Баъзи қизлар уялибми, кўрқибми, гинекологларга учрашишдан қочишади. Бу мулақо нотиғри. Ҳозирги замон тиббиёт асбоб-ускуналари қизлик ифтига зиён етказмай гормонал тахлиллар, УЗД тахлилларини қилишга қодир.

Гинекологик касалликларнинг олдини қандай ола бўлади?

Ҳомиладор аёллар ҳомиладорлик давридаёқ мунтазам равишда шифокор назоратида бўлиб бIRON бир касалликларни аниқланса даволанишлари керак.

Қизларни туғилганлариданоқ аяш лозим, яъни оғир юк кўтаришдан, руҳий зўриқшлардан сақлаш керак.

Қизлар доимо гигиена қоидаларига қаттиқ риоя қилишлари даркор.

Ҳар бир она воёга етган қизларини йилда бир марта ўсимирлар гинекологига кўригидан ўтказиб туришлари мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Саҳифани Шарифа ИЛЕСОВА тайёрлади.

Кўмиталарда

ҲУҚУҚИМИЗНИ БИЛИБ, БУРЧИМИЗНИ АНГЛАЙЛИК

• Зумрад ИНОФОМЖОНОВА,

Тошкент Давлат юридик институти хотин-қизлар кенгаши раиси:

— Мамлакатимизда хотин-қизларнинг, оналарнинг жамият ҳаётидаги, оиландаги ўрни бекиёсидиги мустақиллик йилларида янаям кўзга яққол ташланди. Чинданам бугун барча жабҳаларда тиним билмай меҳнат қилаётган хотин-қизларимиз жамиятимизнинг асосий негизи, қудрати, меҳри ва муҳаббатидир.

Шу боис бўлса керак олий ўқув юртимиз қошида фаолият кўрсатаётган хотин-қизлар кенгаши аъзолари ҳам жамоада меҳнат қилаётган аёлларнинг, таълим олаётган қизларнинг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш, маънавиятини юксалтиришнинг асосий вазифаларидан деб билади. Институтимизда 400 нафардан зиёд хотин-қиз бор. Уларнинг ҳар бири эътиборда ва эъзодда десам янглишмайман.

Ўтган Аёллар йилида Давлат дастурида белгиланган бир қатор тадбирларни амалга оширдикки, бу албатта хотин-қизларимизга катта куч-қувват бахш этди. Айниқса, 5 нафар талаба қизимизнинг «Қизлар давраси» кўрик-танловига ғолиб чиққанлиги, улардан иккитаси — Фотима ва Зухра Сулаймоноваларнинг Италияга бориб ўз маҳорат ва санъатларини намойиш этиб, олқишга сазовор бўлганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Шунингдек, энг аълочи, энг фаол, одолиб қизларимиз ҳам доимий рағбатлантириб боришга ҳаракат қиламиз.

Барчамизга маълумки, аёл қайси соҳада ишласин, аввало у оила бекаси, мустақам кўрғоннинг маликаси. Шу боис ҳам қизларимизга таълим бериш, етук ҳуқуқшунос-

лар тайёрлаш билан бирга уларни ҳаётга тайёрлашга, муқаддас оиласини авайлаб-асрашга ўргатишга, фарзандлар тарбиясига, соғлом авлод баркамоллигига эътиборларини қаратишга катта эътибор билан қараймиз. Бу борада ўтказётган тадбирларимиз, конференция, семинар, учрашув, давра суҳбатларимизнинг аҳамияти бекиёсидир. Шунингдек, ётоқхонада яшаётган қизларимизнинг яшаш шароитларини ўрганиб, уларга зарур имкониятларни яратиб бермоқдамиз.

Институтимизда 14 та кафедра мавжуд бўлиб, улардаги фаол аёллар раҳбарлигида турли кеча ва тадбирлар ўтказиб турилади. Шунинг билан бирга ҳар ҳафтада институтимиз радиотармоғида хотин-қизлар Кенгаши фаолиятдан эшиттиришлар тайёрланади, суҳбатлар уюштириб борилади.

Соғлом авлод йилида ҳам ректорат билан ҳамкорликда ўз дастуриимизни тузиб чиққанмиз. Бугунги барча саъй-ҳаракатларимиз ана шу асосда олиб боришмоқда. Фаол аёллар билан учрашувлар, шифокорлар билан суҳбатлар уюштириш, хотин-қизларимизнинг саломатликларини тиклашга алоҳида эътибор қаратиш, мурувват ва меҳрибонлик уйларида бориб, болалар ва қарияларга меҳр кўрсатиш ана шулар жумласидандир. Энг муҳими, соғлом авлод тарбиячилари бўлган аёлларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий соғломликлари ҳусусида қайғуришдир. Шунинг баробарида хотин-қизларимиз нафақат ўз ҳуқуқларини, балки ўз бурчларини — оналик, бекалик, қизлик вазифаларини унутмасликлари ҳам лозим.

Аёл борки, олам мунаввар

ҲАЁТ БОҒИНИНГ ГУЛАЛАРИ

Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмитасининг саҳифаси

Маҳаллаларда

ДИЛИГА ЙЎЛ ТОПАМИЗ

• Ойтўра МИРКАРИМОВА,

Яккасарой туманидаги Абдулла Қаҳҳор номли маҳалла хотин-қизлар кенгаши раиси:

— Соғлом авлод йили маҳалламиз аёллари учун қувончли воқеалар билан бошланди. Хотин-қизлар кенгашининг маҳалла аёллари орасида фаол иш олиб боришларини янада ривожлантириш мақсадида қўлай шароит яратилиб алоҳида жой ажратилди. Керакки жиҳозлар билан безатилган бу мўъжазгина бинода меҳнат қилаётган маҳалла хотин-қизлар кенгаши ўз фаолларимиз билан ҳамкорликда маҳалланинг гуллаб-яшнаши, оилаларнинг мустақам бўлиши, аёлларнинг нафақат оиланда, балки жамиятдаги ролинини оширишга, юртимиз учун соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаб етказишга, хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва саломатликларини мустақамлашга, улар оиланда турган айрим муаммоларни бартараф этишга қўмаклашишга аҳд қилганимиз.

Маҳалламизда 5000 нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг ярмидан кўпини хотин-қизлар ташкил этади. 580 та оила мавжуд бўлиб, уларнинг ошйишталарини таъминлашда, мустақамлашда, соғлом фарзандларнинг воёга етказишда аёлларимизнинг ўрни ва роли бекиёсидир. Мен ўйлайманки, қерда хотин-қизлар билан ишлаш яхши йўлга қўйилган бўлса, уларнинг дилига йўл топа билсангиз хо-

тиржамлик, тинч-тотувлик, ободончилик, саранжом-сарипталик ўша маҳаллада ҳукмрон бўлади.

Президентимиз «Соғлом авлод» давлат дастури ҳақида гапириб, бажарилиши лозим бўлган олти та устувор йўналишнинг аниқ белгилаб берди. Албатта, ана шу йўналишларнинг бажарилишида маҳалла хотин-қизлар кенгашининг ҳам ҳиссаси бўлмоғи лозим. Шу боис ҳам биз бу йилги асосий ишларимизни ана шу дастурдан келиб чиқиб белгиланганмиз. Қуни кеча Наврўз байрами ҳамда Соғлом авлод йилига бағишлаб ўтказган тадбиримизга асосан маҳалламиздаги қайнона-келиндарни тақлиф этдик. Бу тадбиримизда ибратли қайноналар ўз тажрибаларидан сўзлаб бердилар, келинларимиз эса лобар ва пазандаликларини намойиш этидилар. Энг ибратли қайнона ва келинларимизнинг номлари келтирилиб, улармиз ташаккурномалар билдирдик. Бу, албатта, оиланда соғлом муҳит юзага келишида, қайнона-келиндарнинг муносабатларида, энг асосийси соғлом фарзандларнинг камол топишида муҳим роль ўйнайди.

Шунингдек, маҳалламизда шифокорлар билан баалоғат ёшидаги қизлар, ҳомиладор ва ёш болали аёл-

ларнинг учрашувларини ўтказишнинг режаланганмиз. Туман Қизил Ярим Ой жамияти билан ҳамкорликда кам таъминланган, қўп болали аёлларни беғул медицина кўриқидан ўтказдик. Шунингдек, маҳалламиз фарзандлари таълим олаётган 118-мактаб билан мустақам алоқа ўрнатганимиз. Фаол аёлларимиз у ерда фаолият кўрсатаётган «Қизлар клуби» машғулотларида мунтазам иштирок этадилар.

Тўй ва маросимларимизни ихчам ва файзли ўтказишда, оила қурмоқчи бўлган йигит-қизларимизга маслаҳат беришда, уларга оила муқаддаслигини тушунтиришда кенгашимиз аъзолари баҳоли қудрат ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Маҳалламизда баалоғат ёшига етмаган қизларни турмушга бериш, аёллар ўртасидаги жиноят, ёшларнинг диний-экстремистик оқимларга эргашishi сингари салбий ҳолатларга йўл қўйилмади. Бу борада маҳалла кўмитаси ва хотин-қизлар кенгаши ўзаро ҳамкорликда иш олиб борди. Бунинг учун ёшларимиз ва хотин-қизларимизнинг иш билан таъминлашга асосий эътиборни қаратганимиз. Маҳалламизни пойтахтимизнинг энг кўркем ва файзли гўшасига айлантириш, бу ерда маънавияти ҳам, ўзи ҳам соғлом ёшлар камол топишга эришиш энг муҳим вазифаларимиздандир.



Дугоналар бормисиз, омонмисиз...

Муносабат

ҚАЙНОНАЛАР ҲАҚИДА

Мамлакатимиз Президентини «Соғлом авлод» дастурини бажаришга доир ишларни мувофиқлаштириш ва назорат қилиш республика комиссиясининг мажлисида уш амалга оширишда энг бирламчи эътибор қаратилган лозим бўлаган олти та устивор йўналиш ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилади. Шу билан бирга Юртимизнинг соғлом авлоднинг туғилиб воёга етишида она ҳамда қайноналар зиммасидаги масъулиятини ҳам таъкидлади. Тахририятимизга келётган мактублар ва бўлаётган қўғиғорларда ҳамшаҳарларимиз ўз муносабатларини тўқинланиб изҳор этмоқдалар.

• Ханифа БОЗОРБЕКОВА,
Миробод тумани,
қайнона:

— Ўғлимиз воёга етган уни уйли-жойли қилиш, уйлантириш тураддудига тушиб қоламиз. Кейин келин кидириб кимнингдир уйига борамиз. Лекин шундай қайноналар борки, аввал бировнинг уйига боради, келин қилиб олгач эса унга қўпол муомала қилади. Натижада келин анчагина соғлигини йўқотади, асаблари ҳам бузилади. Бу эса агар у ҳомиладор бўлса, болага ҳам салбий таъсир этиши, шубҳасиз.

Ахир ҳамма қайноналар ҳам келинлик даврини бошидан ўтказишган-ку. Тўғри, беғона одамнинг янги хонадонга эл бўлиб кетиши анча қийин кечади. Бунда қайнона ва эрининг хизмати катта бўлади. Яна бир фикрим, оналаримиз қизларини турмушга бергуналарига қадар уни ҳар томонлама ҳаётга тайёрлашлари лозим. Ана шунда оила ҳам мустақам бўлади, фарзандларимиз ҳам саломат туғилади.

• Гулнора СУЛТОНОВА,
Шайхонтоҳур тумани,
келин:

— Шундай қайноналар ҳам борки, ҳатто келинларига шифокорга учрашишга, зарур бўлганда даволаниш учун касалхонага етишга рухсат беришмайдилар. Шифокор назоратида бўлиш, унинг маслаҳатларига амал қилиш соғлом фарзанд туғилишида катта аҳамият касб этишини қайноналарга тушунтирмоқ лозим. Келини ўз фарзандидек кўрадиган, юртимиз келажаги бўлган соғлом фарзандлар туғилишида ўз саъй-ҳаракатларини аямайдиган қайноналарни албатта, халқимизга кўрсатиш, рағбатлантириш керак.

Бека

МАСЛАҲАТЛАР

• Эмаль идишлар уй бекалари учун жуда қўлай. Улар махсус-лот тарихидаги туз ва кислоталарга чидамли. Бу идишнинг ягона камчилиги жуда юқори ҳароратда ёки қаттиқ урилиши туфайли улар ёрилиши мумкин.

• Алюмин идишлар эса зангламайди, юқори ҳароратдан ҳам «кўркмайди». Аммо туз, сода ва кислоталардан тез яроқсиз холга келиши мумкин. Ушбу идишлар таомни сақлаш учун эмас, балки пишириш учун мўлжалланган. Алюмин идишларда ундан ташқари қарам шўрва ёки ақчимтир таомлар тайёрлаш ман этилади. Алюминий идишларни совуқли иссиқ сувда ёки истеъмол содаси билан тозалаш мумкин.

• Кўпчилик уй бекалари тежаш мақсадида товада қолган ёғни худди шундайлигича қолдирадилар ва келгуси сафай буюқлатадилар. Бундай қилиш яраммайди, чунки қолган ёғ бошқа таомнинг таъминини бузиб қўйиши мумкин.

• Чун товаларни ювишдан олдин уни қорғоз билан артиб, сўнг иссиқ сувда ювиб ташлаш лозим.

• Биллур идишларни иссиқ сувда ювиш яраммайди, бунда улар ўзининг «чиройини» йўқотади.

• Музлатгични ҳар икки ойда бир марта ювиб, шамоллатиб туриш лозим бўлади.

Бу ҳаётни ҳимоялаш керак. Тинчлигимизни ҳимоя қилишимиз керак. Келажак авлодимизни ҳимоялашимиз керак. Оиламизнинг тинчлигини ҳимоялашимиз керак. Ҳимоя дегани нима? Ҳимоя дегани — аввало огоҳ бўлиш дегани.

Ислом КАРИМОВ

Яқинда Оксарой қароргоҳида бўлиб ўтган миллий мафкура масалаларига бағишланган йилгиликда бугун дунёда бораётган курашлар ичида энг катта, энг таъсирчан кураш, аввало, мафкура майдонларида олиб борилаётганлиги таъкидланиб, шундай вазиятда ёшларимизнинг баъзан сохта гошлар орқасидан эргашиб кетаятигани биз учун катта хавф эканлиги ҳақида тўхталиб ўтилади. Демак ўз-ўзидан равшанки, биз учун сувдек, ҳаводек зарур бўлган миллий гош, миллий мафкура керак. Бу билан биз мустақиллик берган буюк неъматларни эъзозлаган, истиқлол туйғайи тикланган ва юксалган қадриятларимизнинг қадрига етган бўламиз. Ана шундай нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда бугундан биз «Оқшом» саҳифаларида муаллиф Оди Раҳматовнинг «Огоҳлик — муқаддас бурч» сарлавҳаси остидаги китобида босилган мақолаларни муштарийларимиз диққатиغا хавола этайки.

Аввало, мустақиллик ва у берган неъматлар ҳақида икки оғиз сўз.

Мустақиллик туйғайи биз ўзлимизни англадик. Бой тарихимизга ҳолисона эгаллик қила бошладик. Қадриятларимиз тикланди ва юксалди. Мамлакатимиз иқтисодий, гарчи у қийинчиликларсиз бўлмасда, юксалиб, уни жаҳон танитмоқда.

Мустақиллик шарофати билан бебаҳо маънавий мулкимиз — динимиз тикланди. Истиқлол туйғайи динга эътибор нечоғлик кучайган бугун ҳар биримиз гувоҳимиз. Рамазон ва Қурбон ҳайитлари ҳалқ байрами сифатида расман дам олиш кунлари деб белгиланди. Диний ҳодимлар тайёрловчи Ислам институти, ҳатто вилоятларда диний мадрасалар очилди. Фуқароларимиз улкан ва бой маданиятимизнинг узвий масалалари бўлиши Ислам назарияси ва тарихи, Ислам Ғафаси ва ҳуқуқшунослиги, Ислам маданияти ва ахлоқини яқингинада ташкил этилган Ислам Университетида ўрганиш имконига эга бўлди. Тараққий топган мусулмон мамлакатларининг ўқув юртиларида юзлаб талабаларимиз диний билим олишмоқда. Қурбони Каримнинг ўзбекча наشري, сўнгра ҳазрат Имом ал-Бухорий тўплаб қолдирган «Ал Жомий ас-Саҳиҳ»нинг ўзбек тилидаги тўрт жилди, «Ахлқ ва одобга оид ҳадис намуналари», «Қудсий ҳадислари», «Минг бир ҳадис», «Пайгамбаримиз ҳаёти ва фаолиятини акс эттирувчи ўнлаб китоблар, шунингдек, юзлаб диний мавзудаги асарлар чоп этилди.

Диндорларнинг ҳуқуқлари бош қонуимиз бўйича қафолатланган. Таққослаб кўринг: мустақилликкача Ўзбекистонда 87 масжид бор эди, ҳоло. Бугунги кунда уларнинг сони 1,5 мингдан зиёд. 1980 йили собиқ СССР бўйича 17 киши ҳаж зиёратига борган бўлса, фақат ўтган йилнинг ўзида 4 мингга яқин юртдошларимиз бу саодатга муяссар бўлишди. Истиқлол шарофати билан ўн минглаб юртдош-

ларимиз ҳаж ва умра зиёратини амалга оширишди, дину имон бедад кадр топти.

Шу боис юртимизда эришилган ҳар бир ютқудан қувонишимиз, шундай тарихи бой ҳалқ фарзанди бўлганимиздан фахрланишимиз асослидир. Шу билан бирга ўзбеклигимизга бориб, ҳаммани бир хилда кўриб, биз билан бир юртда яшаб юрганлар ҳам, чет элларда баъзи бир ўзини ўзбек деб юрганлар ҳам ютқудан қувонса керак, жуда бўлмаса мардларча тан берар, деб ўйлашимиз ҳам табиий эди.

Лекин, 1999 йилнинг 16 февралда Ўзбекистон пойтахтида юз берган машъум воқеалар кўзимизни очиб қўйди. Бу воқеалар барчамизни сергаб бўлишга, мустақиллигимизни ҳимоя қилишга ҳамиша тайёр туришга ундади.

Ҳайриятки, 16 февраль воқеалари ташкилотчиларининг ёвуз ниятлари амалга ошмади,

лик шартлари ва тараққиёт қафолатлари» китобида барчамизни огоҳ бўлишга даъват этиб: «...Энг мураккаб саволлардан бири шуки, биздаги барқарорлик ва ҳавфсизликка таҳдид солаётган муаммоларни англаб етаймизми? Ҳавфсизлигимизга таҳдид солаётган муаммоларга нимами қарши қўя оламиз? Жамиятимиз тўхтовсиз ва барқарор ривожланишига, биз истикомат қилаётган минтақада жўғрофий-сийсий мувозанат сақланишига нисбатан қафолат бўла олади?», деб ёзган эди.

Чиндан ҳам қўйилган савол гош мураккаб. Ҳар ким бу масалага ўз иқтидорига яраша ёндошуви турган гап. Келинг, мазкур савол атрофида бир фикрлашиб кўрайлик. Мушохадани барқарорлик қафолатлари пойдеворлари ва қолаверса, ҳалқимиз таъбири билан айтганда, илонинг қақиши бёҳосдан эмаслиги ҳақида, аникроги, жиноятни қимлар содир этган ва бу ҳодисаларнинг тасо-диф эмаслиги тўғрисидаги мулоҳазалардан бошлайлик.

1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон ҳалқи мамлакатимиз Конституциясини қабул қилди ва тасдиқлади. Конституция — Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг мутлақ кўпчилик овоз берган ҳалқ бошқаруви тизими ва давлат тузу-минини тасдиқловчи ва мустақамловчи асосий қонундир. Биз бугун жаҳонга ўз мустақил, демократик, ҳуқуқий, дунёвий

давлатимизни қураётганимизни эълон қилдик. Ўзбекистон ҳалқи ривожлани-нинг ўз йўлини танлади, ушбу мақсад йўлида ўз Президенти ва ҳуқумати-га тегишли вақолатлар берди. Конституцияда фақат ҳалқимизга ўз ривожланиш йўли-ни танлаш ва шу йўлда олға бориш учун раҳбарлик ва ижроий сайлаш ҳуқуқи бел-гилла қўйилган.

Ўзбекистон Республика-сида ижтимоий-сийсий ҳаёт-нинг демократлашуви жара-ёни турли партия, ҳаракат ва ташкилотларнинг шаклланиши ва улар фа-олиятининг равнақи учун қулай шароит ярат-ди. Уларнинг ақсарияти ҳозирги пайтда мам-лакат раҳбариятининг жамиятда барқарорлик-ни сақлаш ва мустақамлаш, иқтисодий ва иж-тимоий-сийсий ўзгаришларнинг чекинмасли-гига қаратилган фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди.

Аммо барча ёш давлатларда бўлганидек биз-да ҳам мустақиллигининг дастлабки йиллари ҳалқимиз сайлаб олган ва унинг иродасини ифода этаётган ҳуқуматимиз ва бошқаруш ти-зимига қарши бўлган мухолифат бош кўтарди.

Лекин «бўзғунчи» мухолифатнинг фаоли-ти сўнги 5-6 йилда деярли ҳамма ерда кескин сувайди. Бунинг бош сабаби — ҳалқимизнинг мутлақ кўпчилиги мухолифатни қўлламади, унинг ортидан бормади. Бундай бўлиши таби-ий эди. Чунки мухолифатда ҳалқ фаровонли-ги ва мамлакат иқтисодий потенциални ўстириш, ҳалқаро доираларда унинг обрўсини оширишга қаратилган бирон-бир асосли дастур йўқ бўлиб, унинг яққол кўринадиган ягона мақса-ди — ҳокимият ва шахсий бойликка интилиш билан белгиланганлиги барчага аён бўлиб қол-ди. Аммо бу дегани ҳозирги кунга келиб мам-лакатимизда конституцияга зид бўлган турли сийсийлашган тузилмаларнинг душманлик фа-олияти барҳам топти, деган гап эмас.

Бу тузилмаларнинг қўлгана етакчи ва қат-нашчилари ҳалқ ичида мадад тополмағач, пана ерга ўтиб олдилар, базилари эса Ўзбекис-тондан қочиб қолдилар, аммо текин йўл би-лан бойиш ва ҳокимиятга интилиш уларга ҳар доим ҳосидир.

Одил РАҲМАТОВ.

(Давоми бор).

Таълим

МОЛИЯВИЙ КЎМАК

Халқаро ташкилот-лар ва жамғармалар би-лан ўзаро ҳамкорлик ало-қаларини ривожланти-риш йўлида «Устоз» рес-публика жамғармаси тадбиркорлик билан ши-олиб бормоқда. Бу жа-раёни амалга ошириш-да ички ва чет эллик сармоядорларнинг инве-стициялари кўллаб-жааб этилаётгани му-ҳим аҳамият касб эт-моқда.

Юқори малакали про-фессор-педагог ва ўқиту-чи кадрлар тайёрлаш учун сарф қилинаётган хоржий сармояларни ажратишда Жанубий Корея универси-тетларининг хиссалари ҳам катта бўлмоқда. Корея таъ-лим тизимининг бевосита молиявий ҳамкорлигида «Устоз» жамғармасида қатор хайрли ўқув тадбир-лари амалга оширилмоқда.

— Кореялик етук экс-пертлар иштирокида «Таъ-лим тизимидаги янги тех-нологиялар» деган халқаро анжуман ҳам ўтказилди, — дейди «Устоз» жамғар-масининг ижро етувчи ди-ректори Абдуҷаббор Абду-воҳитов. — Анжуманда таъ-лимнинг компютерли, овозли ва масофали усул-лари масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Айни вақтда жамғарма-нинг «Ҳаракатланувчи комп-ютер маркази лойиҳаси-ни ишлаб чиқиш ҳам кўзда тутилди. Бу жараёнга ко-реялик мутахассис-экспер-тлар ҳам жалб этилди.

Республикамиз пойтахти-да фаолият кўрсатаётган «Ташком» Корея маркази-да махсус ўқув курслари очилди. Улар жамғарма-нинг грант совридорлари бўлган педагог-ўқитувчи-лар компютер саводхон-лигини ошириш бўйича махсус машғулотлар ўтқа-зиш билан ҳам шуғуллан-моқдалар.

Корея давлатининг маб-лағи ҳисобидан педагог-ўқитувчиларнинг илмий ва педагогик фаолиятларида компютер имкониятлари-дан фойдаланиш бўйича малака ошириш тадбирла-ри ҳам кўрилади.

Ақбар АЛИЕВ.

Шарқ гурдоналари

Оз-оз ўрганиб домо бўлар...

● Келтиришларича, Нўширавон замонида икки киши бўлиб, бу икки киши Нўширавон ташкил қилган ўтиришда ҳозир бўлдилар. Улардан бири баланд овоз билан куйидаги на-эмни ўқиди. НАЗМ:

Яхшилик қайтсин десанг сен,
Яхшилик қил, яхши ўй ўйла!

Иккинчиси эса куйидаги байтни ўқиди:

БАЙТ:

Ёмонлигим қайтмасин десанг,
Ёмон бўлма, ёмон ўй қилма!

Бу байтларни эшитган Нўширавон хушхол бўлди ва унга жуда ёқиб қолиб, биринчи байтни ўқиган кишига минг дирахм беришни, иккинчисига эса беш юз дирахм беришни буюрди.

Турганлардан бири Нўширавондан:

— Эй одил амир, уларнинг байтлари битта маъ-нога эга эди, уларга нима учун ҳар хил тўхфа бер-динг? — деб сўради.

Нўширавон унга шундай жавоб берди:

— Сўзлашда тафовут каттадир. Биринчисининг сўзи бошдан-оёқ яхшилик ҳақида бўлди. Иккинчи-си эса фақат ёмонлик ҳақида эслатди.

● Эй, азиз, халқингга доимо яхшилик қил, қил-ган яхшилигини улардан сенга қайтади. Ҳеч кимса-га қасддан ёмонлик қилма, кимки ёмонлик қилса, шубҳасиз, бу қилган ёмонлиги бир кунни ўзига қай-тиб келади. Одамлар шундай одатга эгадирларки, улар ҳаётда доимо бир-бирларига яхши алоқада бўладилар, суҳбат қурдилар, биридан бири ўрга-нади, бирининг таъсири бирига уради. Яхшига қўшилган кишилар яхшилик томонга юрадилар. Шунинг учун сен олим, фозил, доно ва билимдон кишилар билан ҳамсуҳбат бўл, уларнинг суҳбати кишининг дил ойнасидан Ҳирс, таъма, бахиллик ғуборини супуриб ташлайди.

Мухаммад ЖАБАЛУДИЙ.

● Тўрт нарса борки, унинг озини ҳам кўп деб ҳисобламоқ керак. Биринчи — ўт. Унинг озгина куй-дирганининг зарари ҳам кўпга ўтади. Иккинчи — қарз. Унинг бир дирахми билан минг дирахмининг ташвиши бирдир. Учинчи — касаллик. У қанчалик енгил бўлмасин, барибир заифлик ва нотавонлик пайдо қилади. Тўртинчи — душман. У қанчалик хор ва ожиз бўлмасин, бир кунни ўз ишини қилади.

● Донолар дўстсиз яшамоқ мумкин эмас, деган-лар. Аммо, ҳар кимни дўст тутиб бўлмайди. Қўйи-даги уч тоифанинг бири билан дўст тутинмоқ ке-рак. Биринчи, илм арбоблари билан. Уларнинг суҳ-батидан киши саодат топади. Иккинчи, яхши ахлоқ эгалари билан. Улар дўстнинг хатоларини тўғри-лайди, ҳеч қачон маслаҳатини аямайди. Учинчи, гараз ва тамадан ҳоли бўлган кишилар билан. Дўстлики садоқат ва ихлол асосига қурмоқ керак. Уч гуруҳ билан дўст тутинмоқдан ҳазар қилмоқ ке-рак. Биринчи, фиску фужур аҳли билан. Улар гий-бат билан машғул бўладилар ва бировнинг роҳа-тини ва на ўзларининг ҳоловатларини кўзлайди-лар. Иккинчи ёлғончилар ва хиёнаткорлар билан. Уларнинг суҳбати одам учун зиёндир. Улар бошқа-лар билан сенинг ҳақингда ёлғон сўзларни айтади-лар. Сенга эса, ёлғондан бошқаларнинг фитна кўзгатуви гапларини топиб келиб айтади. Учинчи, аблаҳ ва беақл кишилар билан. На фойда юзаси-дан ва на зарар юзасидан улар билан дўстлашиб бўлмайди. Уларга ишониб ҳам бўлмайди.

МИСРА:

Нодон дўстдан доно душман афзалдир.

Мухаммад ХУСАЙН.

● ХИКОЯТ: Бир киши ўз-ўзидан ғазабланиб, мени шунчалар ҳақорат қилдики, охири чарчаб, бир бур-чакка борди-да, жимгина ўтириб қолди.

ҚИТЪА:

Эшак нағра тортиб, ҳанграган замон
Қулоқни тешай дер ёқимсиз «оз».
Бир оз сабр қилиб ўтирсанг агар,
Ўз-ўзидан тингай эшак овози!

Дўстларимдан бири мени маломат қилиб: «Нега у аблаҳга ҳеч нарса демаядиг?» деб сўради. Мен унга: «Дўстлар ҳурмати учун шундай қилдим» де-дим. Чунки ҳеч бир сабабсиз ҳақорат қилишга ки-ришган кимсага қарши гапирсанг, шапалоқ уриши ҳеч гап эмас. Шапалоғига жавоб қайтарсанг, кал-так кўтаради. Сен кўтарган калтакка қарши тош би-лан уради. Қўрибсанки, катта хангома пайдо бўлиб-ди. Орага дўстлар аралашади. Аммо маълумки, дав-вогар бир томондан зарба еса, орага тушувчи икки томондан ёйди. Шунинг учун танҳо ғам чекай ва танҳо ранж тортсинлар».

ҚИТЪА:

Ҳақорат қиласанки озгини юмсанг,
Яна ўзга ҳақорат ётмас асло.

Отар шартта бурунисида ҳам авло!

Оқилда ҳам, жоҳилда ҳам икки қулоқ бор. Бир-бировининг сўзи бир қулоқдан кириб, иккинчи қулоқ-дан чиқиб кетмоғи керак. Агар, аксинча бўлиб, бир қулоқдан кириб, иккинчисидан ўрнаб қолганда эди, оқил — жоҳилга, жоҳил эса оқилга айланган бўлур эди.

● Ҳакимлар айтадиларки, ҳар бир галаба нажот боисидир. Аммо, зулм борасидаги голиблик маг-лубият нишонидир.

ҚИТЪА:

Зулм ўтин учирмасанг сен ушбу кун,
Эртага мазлум қўли яқсон қилур!..

● ХИКОЯТ: Бир бечорадан сўрадилар: «Қаерда ухлайсан?» У деди: «Қаерда қоронғи тушса, ўша ерда!»

ҚИТЪА:

Ҳар кишининг болиши хордан, тўшақ ердан эрур,
Қайси ерда бўлса жойдан ғам чекиб, ҳайрон эмас.

Бой киши қўрқай ўлжидан, ҳовли-жойининг
Ғамидан,
Камбағал бу дард билан қўнғил қуйиб, гирён эмас.

Ҳаким ҚОСНИЙ.

Маҳмуд ҲАСАНИЙ таржималари.

**Ҳамнаҳар, мақола сарлавҳа-сини ўқиб ажаблантадирсиз.
«Муҳбири тушмағур сал оширо-вар мадминкан? Ахир, ҳалқимиз меҳр-оқибатини, саҳоватпеша-ку», дея ҳайрон бўлаётгандирсиз...**

Дарҳақиқат, фикрингизга қўшил-май иложимиз йўқ. Аммо, ҳайрон бўлманг, ўтиш даврининг айни пал-ласида шולי қурмақсиз бўлмагани-дек, меҳр танқислиги баъзида се-зилиб қолаётгани рост. Зеро, агар барча-барчамиз бир-биримизга ни-ҳоятда оқибатли бўлганимизда, оғиримизни енгил қилганимизда эди, орамизда саҳоватга ташна, меҳ-рга зор инсонлар сони қанчалик, бал-ки қолмаган бўлар-миди? Гапни қўзғай индаллосига ўтиб қўя қолай.

Зарур юмуш би-лан маҳалла идора-сига бордим. Ки-зиги оқсоқол қабу-лига навбат қўёт-ганлар анчагина экан. «Шошилмаёт-ган бўлсанг, сен би-лан охирида суҳбат-лашасан. Билишинг зарур бўлган янги-ликлар бор», деб қолдилар оқсоқол. Рози бўлдим. Шу пайт хонага ўрта бўйли, қорачадан қолган, 70 ёшларни қоралаб қол-ган Мурод амаки ваҳожат билан ки-риб қолдилару.

— Хов, оқсоқол укам. Бу йил Ҳажга боришни ният қилиб эдим. Аммо, сен мени рўйхатдан тушириб қолдириб-сан-ку. Бу ёни қандоқ бўлди энди? — дедилар салом-алиқдан сўнг.

— Мурод ака, ўтириг, сал нафа-сингизни ростланг, — босиклик би-лан гапирга бошлади оқсоқол, — ҳар маҳалладан бир киши бир йилда Ҳажга бориши зарур экан. Биласиз-ки, сиздан аввалроқ идорамизда 3 киши ариза берган. Бу йил бўлма-са, келгуси йил борарсиз, ака.

— Эй йўқ, укам. Мен бу йил ният қилганман. Агар шу ишда нафинг тегса, сени хурсанд қиламан.

— Бунинг иложи йўқ, ака, — яна жавоб қайтарди оқсоқол, — лекин хоҳласангиз Ҳаж оёгингиз остида ту-рибди. Маҳалламизда ўзи ногирон, ёрдамга муҳтож кишилар бор. Шу-ларга ёрдам беринг. Бир умр сизни дуо қилиб юришди. Нима дейсиз?

Амакидан садо чиқмади. Қўлини силтади-ю, «Сенга гапирган билан силтади-ю, — деб чиқиб фойдаси йўқ экан», — деб чиқиб кетди. Очиги, жуда ҳайрон бўлдим. Чунки Мурод амакини жуда яхши билмаман. Ўзига тўқ, бадавлат одам. Лекин, наҳотки, одамгарчилик, ин-сонийлик юзасидан бирон-бирова

ёрдам кўрсатиши шунчалар қийин бўлса? «Муҳбир ука, ўз қулоғинг би-лан эшитдинг-а, — оқсоқолнинг га-лидан сўнг ҳаёлимни йиғиб олдим, — биласан, 40 йиллик муаллим Со-биржон ака кўзлари ожиз бўлиб, тўшаққа михланиб қолдилар. Бу ҳам етмагандек, яккаю ёлғиз фарзанд-ларидан айрилганлари дард устига қилиб қолди-да. Қани айт-чи, шу оилага ёрдам қўлини чўзган инсон савобга қолмайди? Еки Бўриовий-нинг оиласига мададкор бўлиш қан-чалар зарур эканлигини маҳаллада-гилар билмайдими? Агар мақола ёз-санг, меҳр танқислиги ҳақида ёз, ҳўпми!... Зора бошқаларга ибрат бўлса».

Мулоҳаза

МЕҲРИМИЗНИ ДАРИҒ TUTМАЙЛИК

Дарҳақиқат, оқсоқол тилга олган Бўриовийнинг 7 нафар фарзанди бўлиб, оилани фақат ўзи тебрат-ди. Болалари эса ҳали ёш. Рўзгор-даги етишмовчиликдан кўп хуботи ошади. Хўш, бу каби оилаларнинг ночор ҳолга тушишда қариндош-уруғларга маҳалладошлар айдор эмасмизми? Ахир, Ҳадиси шарифда «Жаннатнинг қалити — мискин-фа-кирларни севинишдир!» деб бежиз айтилмаганку!

...15 ёшли ўсмирлик пайтим эди. Қўнларнинг бирида тоғамиз (Аллоҳ у кишини раҳмат қилсин) барча қариндош-уруғлар, айниқса ёш йи-гитларни йиғдилар-да, Форобий кўчасига олиб бордилар. У ерда хо-ламиз бола-чақалари билан ночор, атиги икки хонали уйда яшашар эди. Тоғамнинг бошчилигида қарин-дошлар бир ҳафтада яна икки хо-нали уйни қуриб беришгани ҳақон ёдиди. Ана мурувватпешалиғу муш-кулни осон қилиш, асосийси ўқс-қалбга таскин бўлиш.

Қаҳрамон ёзувчимиз Саид Аҳмад-нинг «Жимжитлик» романини ўқима-ган инсон топиламаса керак. Шу асарда ҳам ҳашар билан боғлиқ эпи-зод бор. Унда тасвирланишича, То-либжон Усмонов шўро тизими адо-латсизликларидан чарчаб, кексаллик онларини қишлоғида яшаб ўтказмоқ-чи бўлади-ю, жимжитлик излаб қиш-

лоққа — онаси бағрига қайтади. Қўни-қўнлар биргаликда Толиб-жон учун ҳашар йўли билан ўй қура-дилар. Ушбу эпизоднинг таъсири шундаки, қишлоқдошлар доим бир-бирига мададкор. Ҳашар йўли би-лан бир-бирлари билан гурунглаша-дилар. Бунинг устига ҳашарчилар-дан бирининг уйдан ош, бирини-кидан шовла, яна бириникидан қат-лама чиқарилиши меҳрининг юксак кўриниши эканлигидан далолатдир.

Юқоридеги сўзлар ва ҳашар уду-ми ҳақида ҳикоя қилишдан мақсад, ота-боболаримиз қолдирган, аммо ҳозирда унутилиш даражасига бор-ган аънава ва урф-одатларимизни тиклайлик. Бир-биримизга меҳрли бўлайлик. Бой-лик, мансаб кети-дан қувиш, ўза-ларни эмас, фақат ўзини ўйлаш кўпол қилиб таъ-рифлаганда шай-тонга шерик бўлиш билан ба-рорбардир. Ахир, Қуръони карим оятларида бой-бадавлат киши-ларнинг камбағал-ларга закот бе-ришлари фарз эканлиги очик-ой-дин айтилган-ку.

Ҳар йили Рамазон ойда ҳар бир инсон фитр-садақани қийналган, муҳтож кишига инъом этишида ҳам чўқур мазмун ётибди.

Шу ўринда яна бир гап. Ҳаж зиё-ратига боришни ҳар бир мусулмон фарзанди оруз қилади, албатта. Чун-ки ҳаж ибодати ислом буюрган амал-лардан бири. Маълумки, Ҳажга бола-чака ташвишидан қўтилган ин-сонлар боришади. Аммо бўлгуси ҳожилар, ўзингиз бир ўйлаб кўринг. Қариндошингиз ёки қўшингиз мод-дий кўмакка зор бўлиб, қора қозо-нини зўрга қайнатиб ўтирибди. Сиз-нинг эса еганингиз олдингизда, ема-ганингиз кетингизда, пир бадавлат-сизу лекин камбағал қолидан ҳабар олмаяпсиз. Энди инсоф билан ўйланг, Ҳаж ибодатингиз Аллоҳ дар-гоҳида қабул бўлармикин? Ахир ило-ҳий китобларда қўни-қўшни, қарин-дош-уруғ қолидан ҳабар олиш, мис-кин-факир инсон нонга зор бўлиб, сиз палов еб ўтиришингиз гуноҳ эканлиги қайта-қайта таъкидланади-ку.

Хуллас, қиссадан ҳисса шўки, ҳал-қимизда «Меҳр кўрсат — меҳр кўргайсан» деган қадиматли сўз бор. Истагимиз ўзлимизни, миллий қадриятларимизни, урф-одатлари-мизни янада мукаммал ўрганайлик. Ота-боболаримизга муносиб ворис-лар бўлайлик. Ҳеч кимдан ҳеч қачон меҳримизни дариг тутмайлик.

Ақбар ЙУЛДОШЕВ.



Мана шу китобни оламан, адажон.



Илмга чанқоқ ёшлар — келажакимиз.

ОИЛА — СОҒЛОМ АВЛОД ТАЯНЧИ

Пойтахтимиздаги «Гулнора-она» оила марказида республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси, Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмитаси, шаҳар «Оила» маркази ҳамкорлигида Соғлом авлод йиланга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.



Тадбирда туманлар хотин-қизлар кўмиталари ва маҳалла хотин-қизлар кенгашлари раислари, маҳалла фаоллари, олималар, ўқитувчилар, ота-оналар иштирок этдилар.

Тадбирни очган Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар кўмитасининг раиси Фарида Абдурахимова «Оила мустаҳкамлиги — соғлом авлод қафолати» мавзусида сўзлади. Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси раисининг ўринбосари, шаҳар «Оила» маркази раиси Гулнора Йўлчиева «Баркамол авлод — оила таянчи», Тошкент Давлат маданият институтининг маънавият ва маърифат бўлими мудири Са-

одат Йўлдошева «Соғлом авлод — Ўзбекистон Республикаси сиватининг устувор йўналиши», Ш. Бурхонхонов маҳалла хотин-қизлар кенгашининг раиси Саннат Эсонбоева «Қизларнинг маънавий баркамол тарбиялашида маҳалланинг ўрни», Ўзбекистон Давлат Санъат музейи директори Насиба Иброҳимова ёшларни тарбиялашда музейларнинг аҳамияти катталиги ҳақида, Муқимий номидаги ўзбек давлат музыкали театридан Ўзбекистон халқ артисти Марям Ихтиёрова оқила ва доно қайноналар ҳақида сўзлади.

Иштирокчилар ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини изҳор этдилар.

• **Хури АЛИМХУЖАЕВА,** Чилонзор тумани Лутғий маҳалласи хотин-қизлар кенгаши раиси:

— Чиндан ҳам соғлом фарзанд аввало оилада камолга етади. Шу боис ҳам уларнинг саломатлиги ҳақида қайғуриш аввало ота-онанинг энг муҳим вазифаси ҳисобланади. Айниқса, аёл, она саломатлиги ниҳоятда муҳимдир. Бугунги тадбирда ҳам жуда қимматли фикр-мулоҳазалар айтилди. Бу фикр-мулоҳазаларни маҳаллаларимиз ахлига етказиш, уни ҳаётга тадбиқ этиш бизнинг бурчимиздир.

Тадбир сўнггида янграган дилрабо куй ва кўшиқлар иштирокчиларга бир олам завқ бағишлади.

Шоира МУХАМЕДОВА. СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар. Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.

Аллергия десан сўни кейинги пайтларда тез-тез эшитилган бўлиб қолди. «Фадон нарсаси аллергия бор», «Қизга ранги мевадан тошма тошиб кетди», «Дархоналар гуллабди — кў ва бурунларидан суя мушқиллаб оқиб кетаяверди» — бундай гаплар ҳам ҳаммаимизга таниш. 5-6 киши тўпаниб, бирор тадбир ўтказилди — ўшалардан бири «Аллергия» гапирди, ёки бирор нарсаси кў ва бурунларидан суя мушқиллаб оқиб кетди.

Ха, буларнинг ҳаммаси кейинги ўн йилликлар давомида анча кенг тарқалиб, кўпчилики турли даражада азият чекишга мажбур қилувчи аллергия хасталигининг аломатлари. Ана шу хасталик асосида киши ҳаётига хавф солувчи бронхит астма, сурункали бронхит ва бошқа шу каби жиддий касалликларга мубтало бўлганлари ҳам учраб туради. Агар эҳтиёт бўлинасиз бир хил беморларга ҳаётбахш шифо бўлувчи дори-дармонлар бошқа бировлар умрига сунгити нукта қўйган ҳоллар ҳам кўпколлаб қалиб қолди.

Хўш, баъзилар асрими хасталиги деб айтганда ана шу тилсиз ёнинг ўзи нима ва у қачон пайдо бўлган, деган савол туғилади. Тиббий адабиётларда таъкидланганича, аллергия — бу киши танаси аъзо-ларининг атроф-муҳитдаги баъзи бир омиллар (кўпчилик ҳолларда, оддий кўз билан кўриб бўлмайдиган митти жондорлар ҳаётли фаолияти маҳсулотлари, озик-овқатлар ёки бошқа бирикмалар) таъсирига таъсирланган ҳолати деб таърифланади.

«Аллергия» атамаси австриялик болалар шифокори К. Пирке томонидан 1906 йили тиббий лугатига киритилган. Шифокор бўлган хасталигига қарши тери остига киритилган зардобга баъзи болалар организмнинг метаболит нисбатан ўта ортиқча таъсирчанлигини шу ном билан атаган. Шунга кўра ҳамда бу хасталик асосан 70—80 йиллардан кўпроқ маълум бўла бошлагани учун ва таъсир доираси микробларга қараб ҳам уни асрими хасталиги дейишган. Атроф-муҳитнинг айниқса кейинги вақтларда кўпроқ ифлосланиб кетгани ва кўпчилик қишларда экологик мувозанат бузилганлиги ҳам аллергиянинг анча-мунча кенг тус олишига сабаб бўлган. Масалан, Орол денгизи ҳалокати, республикамизда кўп йиллар давомида қишлоқ ҳўжалик ерларини заҳарли кимёвий моддалар, турли кимёвий ўғитлар билан ортиқча тўйинтирилиши ҳам аллергиянинг кенг тарқалишига омил бўлган. Бу ҳам маъруза хасталигининг асрими хасталиги деб айтилишига асос бўлган.

Бирок аслида аллергия хасталиклари қадим замонлардан маълум бўлган. Ўша вақтларда Гиппократ баъзи-бир озик-овқат маҳсулотларини киши организмига кўтар олмаслиги оқибатда ошқоранинг бузилиши ва эҳтиёт оми тошиб кетишини тасвирлаб ёзган. Қадимги Рим шифокори Гален атроғул ҳидидан пайдо бўладиган тумов ҳақида хабар берган. XIX асрда шифокор олимлар беда безагини тасвирлаб, ўсимликлар қантдан нафас олиш бунинг асосий сабабчиси эканлигини исботлашди. Шунингдек қангли ютиш нафас йўллари (бронхит) астма хасталигига сабаб бўлиши мумкинлиги тахмин қилинган.

Ер юзиде қанча одам бўлса — аллергиянинг ҳам шунча тури бўлади. Лекин бундай ҳолатнинг асрари турлари асосий уч гуруҳга — шу хасталикни қўзғатувчи билан бевосита боғлиқ бўлган ҳосил бўладиган аллергия, озик-овқатлар туфайли пайдо бўлувчи ва нафас олиш орқали юзага келадиган аллергия хасталиклари.

Нафас йўллари аллергияси — киши нафас олиб ютган ҳавосида мавжуд бўлган қандайдир ёқмайдиган модда таъсирида юзага келадиган хасталикдан иборат. Энг кенг тарқалган аллергия қўзғатувчи (аллерген)ларга ўй чанги, ўсимликлар чанги, ўй хайвонлар қазғоғи ва могор қиради.

«Ўй чангиде ҳамма моддалардан оз-оз бўлади», — деб ҳисоблайди Виржиния (АҚШ) университети аллергия ва иммунология Марказининг бўлими мудири доктор Томас Платтс Миллс. — Турли одамларнинг турли хил нарсаларга аллергияси бўлади. Бирок, аллергиянинг энг кўп учрайдиган сабаби — чангидеги энг майда қанчалардир». Чанг қанаси оддий қаналар ва ўрмичаларнинг микрооколик қариндошлари ҳисобланади. Шунинг билан қанчалар қанчалар ўй улар ҳаётли фаолияти маҳсуллари аллергия хасталигини қўзғатади. Митти хашаротлар гилам ва мебеллар бўйлаб саниб, бу маҳсулотларни ҳамма ерда қолдириб кетилади.

Элик йиллар чамаси олдин чанглотқиларнинг пайдо бўлишини аҳоли катта қизиқиш билан кўриб олган.

ди. Лекин ҳозир миллионлаб кишилар меҳнатини енгиллаштирувчи бу технология билвосита бўлса ҳам кенг тарқалган тиббий муаммо — чанг қанчалари аллергиясининг пайдо бўлишига катта «хисса» қўшди.

Гиламларни чанглотқичда тозалаш унинг чангини қоким шамоллатишдан анча енгил, — дейди Детройт (АҚШнинг Мичиган штати) даги Генри Форд касалхонаси аллергия ва клиник иммунология бўлими мудири доктор Девид Ланг. — Бунинг устига тор, мебеллар билан тўла хоналарни, тоза хавони ўтказмайдиган бино деворларини, шунингдек бунга совуқ сув билан хонани артиб чиқишни қўшсангиз — чанг қанчалари учун ажойиб ҳаётли муҳитни яратдим дейверинг.

Ҳозирги замон уйларининг ҳар ерида ҳозир бу жониворлардан қутулишнинг иложи борми? Наҳотки аллергияга чалинган кўпда одамлар тўтов-сиз пишиллаш пиқиллаб бурун тортишга маҳкум бўлиб қолаверасиз?! Аллергия хасталиги одамларни азият чекишга мажбур этадиган ёқимсиз ҳолатларни имкон қадар қамайтириш чораларини қўриш мумкин.

ДОРИЛАР БИЛАН ДАВОЛАНИШ

Дориҳоналардан рецептсиз харид қилишингиз мумкин бўлган антигистамин дори-дармонлар ал-

Аллергия асрими хасталигими?

ҲАР ДАРДНИНГ ДАВОСИ БОР

лергик тумовдан ҳамда конъюнктивитдан халос бўлишга ёрдам беради.

— Кўп ҳолларда маъруза дори-дармонлар тез ва самарали таъсир ўтказиши, — дейди Нью-Жерси штати университетида доктор Ричард Подделл. — Бирок аллергия беш-олти кундан ортиқ қўзғилиб кетса — врачларга мурожаат этиш керак.

Факат шифокорларгина аллергия қўзғатувчи микроорганизмлар — аллергияларни аниқлаш имконини берувчи мукаммал тадқиқотни амалга оширишлари, энг тўғри даволаш усулини тасвир этишлари ва зарур ҳолларда айрим тузатишларни қилишлари мумкин.

КОНДИЦИОНЕРЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Эҳтимол, бу — ўсимлик чанги муаммосини ҳал этиш, шунингдек, бошқа иккита жиддий душман — могор ва чанг қанчаларидан халос бўлишнинг энг таъсирчан воситасидир.

Хавони кондиционерлардан қўзда тутилган асосий мақсад унингизда ўзига хос бир гўша ташкил этишдан иборат, — дея аниқлик қилди доктор Подделл. — Кондиционер икки йўл билан ёрдам бериши мумкин: у намликини жуда паст даражада ушлаб туради ва бу билан қанчалар ва могор учун ноқулай шароит туғдиради ҳамда хаво тозалашни ўрнатган бўлсангиз — хонани совутиш чоғида хавони ҳам филтрлаб беради. Бирок, унинг энг асосий афзаллиги — уйни қўнандан бутунлай холи қилиб ажратишда. Зеро, деразани очадиган бўлсангиз — унингиз айнан қўндаги хавонинг ўзига, яъни ўсимлик чангларига тўлади.

«Албатта, хонадаги атмосфера тозалашчилари хаводаги айрим зарраларни чиқариб ташлаши мумкин, лекин улар бу зарраларни хонанинг у ёғидан-бу ёғига суриб юриши ҳам мумкин, — дея қўйинчи тушунтиради доктор Платтс Миллс. — Шу тариқа хасталикнинг олдини олишга қаратилган воситалар шу хасталикни келтириб чиқарувчи шарт-шароитлардан ҳаффиқор бўлиб қишиш мумкин». Бирок, ҳар қалай, хоналардаги хаво тозалашчилар бинога кириб қолган ўсимлик чангларини яқши ҳайдади.

ХАВОНИНГ НАМЛИК ДАРАЖАСИНИ ҚУЗАТИНГ

Хаво қуриткич сотиб олинг. Ўйда хавонинг қуруқлигини таъминлаш чанг қанчалари билан боғлиқ муаммоларга чек қўйди. «Амалда чанг қанчалари хаво-

нинг намлиги 45 фоиздан паст бўлса — ўзини ёмон ҳис этади, — ҳикоя қилади доктор Платтс Миллс. — Умуман айтганда бўлса — хаво қанчалик қуруқ бўлса — шунча яқши». Мабодо бу қуруқ хавога сез-гир бўлган болалар ёки катталарга ноқулайлиқ туғдирадиган бўлса — уларнинг қаравотлари бошига мўъжазига хаво намлагични қўйиб қўйинг.

ХОНА ГИГИЕНАСИГА РИОЯ ЭТИНГ

Ўйдаги хаво хайвонлар могорини ўлдирадиган фунгицид эритмаси билан артиб чиқинг. Ўй хоналарни алоҳида ажратиб асранг. Қўпчилик одамлар ўй хайвонлари қазғоғидан бўладиган аллергиядан азият чекишади. Одатда, мушқ жундаги қазғоқ энг кўп муаммо туғдиради. Муаммони ҳал этишнинг энг осон йўли — жониворларни бировларга бериб юборинг. Агар бу Сиз учун номақбул бўлса — муқобил йўл ҳам бор: ётоқхонангизни бошқа хоналардан холи қилиб қўйинг ҳамда тўртовқили дўстларингизнинг қиришига мўлақо йўл қўймаслик чорасини қўринг.

— Ўй хайвонлари ҳафтасига бир мартагина хонани айланиб чиқишининг ўзи аллергия ҳафтини туғдириш учун етарли, — дейди доктор Подделл.

Ўй ишларини бажарётганда доки билан оғиз-бурнингизни ёпиб олинг. Сизда аллергияни қўзғатувчи модда таъсирига учрашингиз мумкин бўлган ҳолларда ҳам ушундай ниқоб тутиб олинг. Чунки, чанглотқич билан ўйни тозалашнингизда хавога кўпда чанг тўпанади. Агар хона чанги оқиб аллергияни қўзғатадиган бўлса — хонадонингизни бошқа бир киши, масалан, профессионал фаррош йиғиштирсин. Фаррошга тўланадиган ҳақ касаллиқни даволашдан анча арзон тушиши аниқ.

ТУШАГИНГИЗИ ПЛЕНКАГА УРАНГ

Доктор Подделл ҳам, доктор Ланг ҳам — мабодо ҳаётингизда бахтсизлиқнинг ҳаммасига чанг қанчаларни, сабаби бўлса — тушакларингиз ва ётқинларингизни пленкага ўраб қўйинг ва бу сизга енгиллик туғдиради, — дея маслаҳат беришади. Митти жониворлар қаравот ичида гўжон ўйнашни ёқтиради. Лекин тушак ва ётқинларни пленкага ўрайдиган бўлсангиз — ёқимсиз хашаротлар ҳаётли фаолияти маҳсулотлари билан эмас, балки тоза хаводан нафас оласиз.

УЙИГИЗДАН ГИЛАМЛАРНИ ЧИҚАРИБ ТАШЛА

Хона чанги, ўй хайвонлари қўзғатган ёки могорга ўта сезгир бўлган аллергия беморлар учун ўйда гилам тутиш мўлақо мумкин эмас. Улар чанг қанчалари ва могор учун яқши бошланади. Зич тўқилган замонавий гилам чанг ва қазғоқларни яқшигина тўшлаб, ўзқ вақт асрайди. Хатто қайноқ сув билан тозалаш ҳам ёрдам бериб қолмайди. «Қайноқ сув ҳам митти қанчаларни ўлдиролмайди, — дейди доктор Платтс Миллс. — Унинг ёрдамида факат ҳам қанчаларга, ҳам могорга ажойиб ҳаёт шариоитини, яъни янада илқ ва нам муҳитни яратиб беришингиз мумкин, холос».

ПОЯНДОЗ ВА БЎЙЛАЛАР СОТИБ ОЛИНГ

Гиламларни дағал пояндозорлар билан алмаштиринг. Шу йўл билан сиз уйингизда чанг, гилам, хайвон қазғоқлари ва могор энг кўп тўпалган нарсалардан халос бўласиз. Ҳамда аллергиялардан озоқ ҳолатни сақлаб туришингиз анча енгиллашади. Пояндозорларни қайноқ сувда ювишингиз мумкин. Бунда сув чанг қанчаларини ноқулай қилидиган даражада қайноқ бўлиши керак. Бўйра тағида пол анча қуруқ бўлади — чунки бўйралар ораси очик қилиб тўқилган бўлади. Бундай шароит эса чанг қанчалари учун ҳам, могор учун ҳам ноқулайдир.

БИТТА ХОНАДАН БОШЛАНГ

Хатто сиз хавони тозалаш тизимини ярато олмаган тақдирингизда ёки уйингиз полларини энг ёпиб турадиган гиламларни олиб ташлашни истамасангиз ҳам — яна бир наҳот йўлингиз бор: локал биттагина хонангизни аллергиялардан қишиш учун бошана қилиб олинг. «Қўпчилик одамлар вақтларининг катта қисмини ётоқхоналарда ўтказишади, — дейди доктор Платтс Миллс. — Бу хонани чанг қанчаларидан холи қилишининг ўзи аллергияга чап беришга жиддий ёрдам беради». Ётоқхонангизда хаво яқши айланиши ҳамда гилам унингиз дағал пояндоз тўшлаган бўлиши керак. Бу хонани бошқалардан ажратиб қўйиш мақсадида эшикни ҳамма ёпиқ ҳолда сақлашга интилиш керак.

(Хорижий матбуотдан).

Ҳайдовчилар, сизлар учун

МАШИНАНГИЗНИ КЎРИКДАН ЎТКАЗМОҚЧИМИСИЗ?



моторолер, мотоколяска, ҳисобга олинган, аммо турли сабабларга кўра ишла-тишга яроқсиз ёки қисмла-ри етишмайдиган ҳолда бўлса, уларни сизнинг ман-фаатингиз учун Давлат авто-мобил нazorати идорасида рўйхатдан ўчириш лозим.

Шу мақсадда сиз, ҳисоб-га олинган манзилга кўра, Тошкент шаҳар ИИББ ИХНББ нинг рўйхатта ва имтиҳон олиш бўлимига келиб, ушбу мулкнингизда-ги яроқсиз ҳолдаги автомо-тобортранспортни ҳисобдан чиқаришингиз лозим. Ҳисобдан чиқаришда амал-даги ариза нуҳаси тўлди-рилади, техник паспорт ва давлат рақами (бор бўлса) топирилади. Яроқсиз ҳол-даги автомобилотранспорт ҳисобдан чиқаришда қўриқ-ка тақдим этилмайди.

Акмал Икромов, Миробод, Сергели, Чилонзор, Шайхонтоҳур ва Яккасарой туманида рўйхатта олинган транспорт воситалари ИХНББнинг 1-сонли Диагностика тармоғида техник қўриқдан ўтказилади (Халқлар Дўстлиги кўчаси, 118-а); Бектемир, М. Улуғбек, С. Раҳимов, Ҳамза ва Юнусобод туманлари транспорт восита-лари 2-сонли Диагностика тармоғида тех-ник қўриқдан ўтказилади (ТХАЙ О. Зоки-ров кўчаси); Бектемир, Миробод, Сергели, Ҳамза, Шайхонтоҳур ва Яккасарой ту-манларида ҳисобидеги транспорт восита-ларини рўйхатта олиш ва рўйхатдан чиқари-ш ИХНББ РИБДА (Файзйўлдоқ кўчаси, 46-уй); М. Улуғбек, С. Раҳимов ва Юну-субод туманларида ҳисобидеги транспорт воситалари ИХНББ Юнусобод ТРИБДА рўйхатта олиш ва рўйхатдан ўчирилади (ТХАЙ О. Зокиров кўчаси) ҳамда Акмал Икромов ва Чилонзор туманлари ҳисоби-даги транспорт воситаларини рўйхатта олиш ва рўйхатдан ўчирилади (Халқлар Дўстлиги кўчаси, 118-а).

1-сонли ва 2-сонли Диагностика тар-моқларининг иш тартиби ҳар кун соат 9.00 дан 18.00 гача, ИХНББнинг рўйхатта ва имтиҳон олиш бўлимида иш тартиби (яқшанба ва душанба кунларидан ташқа-ри) соат 9.00 дан 18.00 гача.

«Тошкент оқшони» газетаси тах-ририятига муштарийларингиздан ке-лаётган хатларда, жумладан ҳайдо-вчилар йўлдан мактубларда улар ўзларига қарашли бўлган машинала-ри техник қўриқдан ўтказиш ҳусуси-да, бунинг учун қарсга мурожаат қилишлари кераклиги тўғрисида маъ-лумот беришимизни сўрашган. Биз муштарийларимизнинг ана шу илти-мосларига жавоб беришни сўраб Тош-кент шаҳар Ички ишлар бош бош-кармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги на-зорати бошкармасида мурожаат қи-лдик. У ерда машиналарни техник қўриқдан ўтказиш масаласида қўй-ишларни бизга баён қилишди.

— Маълумки, Тошкент шаҳри фуқаро-лари мулкда бўлган, Давлат автомобил нazorати идораларида ҳисобга олинган авто-мобилотранспорт воситалари давлат тех-ник қўриғига жалб қилинишини ҳамда ўзқ мулдатдан бери фойдаланмаётган, ишла-тишга яроқсиз ёки қисмлари етишмайдиган, ташлаб юборилганга қарамасдан ҳар йилги солиқ ва йиғимлар тўлаишини та-қозо этади.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги нazorати бо-шкармаси (Давлат автомобил нazorати бошкармаси) шунинг маълум қилидики, но-мингизда транспорт воситалари, жумладан



ЯҚШАНБА, 23

ЎТБ-ЎТБ-ЎТБ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот»
8.30 «Камалат». Болалар учун ки-нодастур.
8.50 Қашқадар вилоти хонада-ларининг концерт.
9.15 «Ўзбектедифильм» намои-ши: «Қўқсув дарёси бўлаб», «Хўнари бор ҳор бўлмади», «9.45 «Гаройибот»
«Умид» намоиш этиди:
10.00 «Ватанимга хизмат қи-лам»
11.00 «Балли, ранслар». Телему-собака.
12.00 «Шоҳруқ клуби»
12.30 Қўнғузга савно: «Қойилма-ком жинот», Бадий фильм.
14.00 «Ўзбекистон бастакорлари». Муслик дастур.
14.20 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Нефчи», «Динамо-Самарқанд», «Навбахор» жамоалари ўрашувидан репор-таж.
15.50 «Никол-2000». Ўзбекистон Олий ўқув юрлари театри ташла-ви.
16.30 «Мозидан бир мўъжаз»
16.45 «Наво таралсин», Муслик дастур.
17.15 «Қораллоққоғна»
17.35 «Бўстон»
17.55 Болалар учун «Фламминг»
18.15 «Олтин тоқ». Телевизион ўйин.
19.00 «Оила», Тележурнал.
19.35 «Ўзлик», Бадий-публици-стик кўрсатув.
19.30 «Ташлинома» (рус тили-да)
20.05 «Оламга сайқат»
20.30 «Ташлинома»
21.15 «Яқинида оқшонида». Му-слик дастур.
21.50 Телевизион миниатюралар театри.

«ОЙНАН МАҲОН»ДА

«Спорт» дастури:

22.25 «Футбол шаҳри»
22.40 «Интерспорт»
22.55 «ТВ-1 намоиш этиди: Теле-анонс»
«Асп мўъжизаси» кинодастур:
23.10 «Жанна киноси юлдузлари»
23.30 «Бенкур». Бадий фильм. 2-қисм.
1.10-1.15 Ватан тисоллари.

ЎТБ-ЎТБ

8.00 «Давр тонги»
9.00 Қўрсатувлар дастури.
9.05 «Янги авлод». «Бўш ўтирма», Мультфильм.
9.40 «Бизнинг доктор» 7-қўрсатув.
Хизмат қўрсатиш.
10.00 «Муслик лавзалар»
10.10 «Ешлар овози»
10.30 «Атласпанчани»
10.45 «Хал»
10.55 «Муслик лавзалар»
11.10 «Ўғрини ушла». Телесериал.
11.55 «Марду майдон»
12.15 Хондор Раматов қўйлади.
12.35 «Лаззат»
12.55 «Экошар»
13.15 «Аскар мактублари»
13.35 «Бир пайла чой устида»
13.55 «Ешлар» телеканалда «Спорт-2000»
14.45 «Аёл қалби наволари». Ни-луфар Сайтова.
15.05 «Цирк, цирк, цирк»
15.25 «Талабалик даврим менин»
15.45 «Муслик лавзалар»
15.55 «Ешлар» телеканалда «Спорт-2000»
16.45 «Ешлар қўйлади»
17.00 Қўрсатувлар дастури.
17.05 «Янги авлод». «Ким эгил-у, ким чокон», Мультфильм.
18.05 «Аёл ўшима»
18.15 «Олам футбол»
18.35 «Яқшанбада қўриғуна»
18.55 Хайрулла Лутфуллаев қўй-лади.
19.15 20.05, 21.40 Ўзлонлар.
19.20 «Ўғрини ушла». Телесериал.
20.10 «Синфдор»
20.30 «Шамчирок»
20.45 «Ер киши» Муслик дастур.
21.00 «Давр» ҳафта ичида.
21.40 «Бў муслик лавзалар»
22.00 «Ешлар» телеканалда пре-мьера. «Опани танлаб бўлмайд»
Бадий фильм.
22.25 «Тарона-2000» тақдимо-ти.
23.45 «Хайли тун»

ЎТБ-ЎТБ

8.50 «Соғлом бўлай десангиз»
9.00 «Тонгги пойтахт»
9.45 Болалар экран. «Сени-ми, шошмай тур!» Мультфильм.
9.55 «Муслик меконхона»
10.15 «Хўсейлаштириш: қадим-бақар»
10.35 «Дилором наволар»
10.45 «Ешлар ҳудуди»
11.15 Телегазета «Экспресс»
11.40-12.50 Кинохонгоқ. «Севги афсонаси» 2-қисм.
17.30 Қўрсатувлар дастури.
17.50 «Экспресс»
18.00 «Аёл — ола, мураббий, рах-бар» телеклуби.
18.30 «Пойтахт». Ҳафталик шарҳ.
18.50, 19.55 «Табриқайимиз-қў-лулимиз»
19.30 Телегазета «Экспресс»
20.30 «Тасино»
21.00 «Пойтахт». Ҳафталик шарҳ.
21.20 ТТВда сериал: «Ит уяси»
17, 18-қисмлар.
22.05 Телегазета «Экспресс»
22.30 Кинохонгоқ. «Муҳаббат ва уруш домида»
00.15 «Хайли тун, шаҳрим!»

ЎТБ-ЎТБ

9.00 Қўрсатувлар тартиби.
9.05 «Тонг» дастури.
10.05 «Эрталабнинг сеҳрли ола-ми»
11.45 «Парпе ва франс»
12.10 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
12.20 «Болалар олами»
12.50 «Фан-тайм» (Болалар учун инглиз тили)
13.00 Киномагистрал. «Машхур ака-ука Бейкерлар». Бадий фильм.
14.45-15.50 «Дўстлик» видеока-ли: «Маврида», «Дилар», «Маш-хур охонлар»
17.05 «Интернет ҳудуди»
17.15 «Тенгдошлар»
17.35 «Нафакат спорт ҳақида»
РКТ
17.50 Озди Хелперн ва Грегори Пек «Рим ташлилари» комедия-овид.
20.00 «Дил изохори»